Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 21 декабрь, шанба • № 101 (10.876) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 декабрь куни республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раҳбарларини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги кунда Ўзбекистон матбуоти олдида турган энг долзарб вазифалар ҳақида тўхталар экан, мамлакатимиз истиқболи, истиқлоли ва равнақи миллий онг ва тафаккурнинг шаклланиши, халқимиз ғурури ва иймон-эътиқодининг қай даражада мустаҳкамлигига ҳам ҳар жиҳатдан боғлиқ эканини таъкидлади. Президент жамиятда бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган айни шароитда маънавиятни мустаҳкамлаш ҳамда маърифатпарварликни кенг тарғиб этиш лозимлигини ва бунда матбуотнинг ўрни алоҳида эканини қайд этди.

Матбуотни демократлаштириш ҳақида сўзлар экан, Президент оммавий ахборот воситаларида холис танқидга алоҳида эътибор берилиши, барча, айниқса, раҳбар шахслар танқидга бардошли бўлиши лозимлигини таъкидлади.

— Инсон ҳур ва озод туғилади ва шундай яшаши лозим, — деди Ислом Каримов. — Бунинг учун эса у ана шу олий неъматни асрай ва ардоқлай билиши керак. Халқимиз руҳан тўла қайта уйғонган тақдирдагина бу қадриятлар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олади.

Суҳбат чоғида жамғарма фаолиятини янада жонлантириш, унинг «Ҳуррият» номли янги газетасини нашр этиш, миллий матбуот маркази фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Ўткир Раҳматов, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст ва Президент девони Ахборот маркази раҳбари Абдусаид Кўчимов иштирок этди.

(ЎзА).

ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев шу йил 24 — 25 декабрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

ЯПОНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЧИХОНАСИ ОЧИЛДИ

ТОКИО, 20 декабрь. (ЎзА махсус мухбири Ўктам МИРЗАЁР хабар қилади). Токиода Ўзбекистон элчихонасининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда «Ўзбекистон-Япония» — «Япония-Ўзбекистон» иқтисодий ҳамкорлик қўмитасининг учинчи кенгаши қатнашчилари иштирок этди. Ўзбекистон делегацияси раҳбари, республика Бош вазири Ў. Султонов элчихонанинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

Маросимда Токиода Ўзбекистон элчихонасининг фаолият кўрсата бошлаши икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорлик равнақида муҳим омил бўлиши таъкидланди. Маросимда Япония ишбилармонлари ҳамда кўплаб хорижий давлатларнинг Япониядаги элчихоналари вакиллари қатнашди.

«Митсубиси» компаниясининг қабуллар уйида эса Ўзбекистон Енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат уюшмаси билан мазкур компания ўртасида Шаҳрисабз ва Чиноз шаҳарларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этиш ҳақидаги ҳужжат имзоланди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КУЧЛИ МОЛИЯВИЙ СИЁСАТИ

Халқаро Валюта Жамғармасининг (ХВЖ) Ўзбекистондаги доимий вакили Марк О. Брайен БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида қисқача брифинг ўтказди. У Ўзбекистон билан ушбу халқаро ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик ва унинг истиқболи масалаларига бағишланди.

— Жорий йилнинг ноябрь ойида ХВЖ миссияси Тошкентга ташриф буюрган эди, — деди Марк О. Брайен. — Миссия жамғарманинг Ўзбекистондаги иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастури асосида амалга оширилаётган ишларни ўрганди. ХВЖ ижроия кенгаши ана шу дастурни амалга ошириш учун 1995 йил декабр ойида Ўзбекистонга 185 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратган эди. Айни пайтда Ўзбекистон ҳукумати кредитнинг дастлабки 92 миллион долларини қабул қилди ва уни муваффақиятли равишда ҳаётга тадбиқ этмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати кучли молиявий сиёсат юритаётгани туфайли, халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланаяпти, деди жамғарма вакили.

Учрашувда, айни пайтда Ўзбекистон ҳукумати ва Халқаро Валюта Жамғармаси ўртасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан музокаралар олиб борилаётгани маълум қилинди.

(ЎзА).

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Вазирлар Маҳкамасида 18 декабрь куни Ўзбекистон республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунини амалга ошириш республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Республика Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раиси А. Азизхўжаев бошқарди. Мажлисда вазирликлар, қўмиталар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг,вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

1989 йили илк бор, сўнгра 1995 йил августида янги таҳрирда «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши нафақат ўз тилимиз, балки бой маданий ва маънавий меросимизга муносабат ўзгарганини кўрсатди. Мажлисда сўнгги пайтда мутасадди раҳбарларнинг эътиборсизлиги ва фаолиятсизлиги боис мазкур қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ишлар бирмунча сусайгани қайд этилди.

Шу йил 10-11 декабрь кунлари Вазирлар Маҳкамасининг текшириш гуруҳи Тошкент вилоятининг бир неча шаҳар ва туманларида бўлиб, мазкур қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида бажарилаётган ишлар аҳволи билан танишди. Республика комиссияси котибияти катта эксперти Ю. Ҳамдамов ва Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Д. Жаҳонгированинг шу ҳақдаги ахборотлари тингланди. Пойтахт вилоятида ўтказилган текширишлар кўрсатдики, жойларда бу борада тегишли тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳокимликлар қошида ишчи гуруҳлари муайян ишларни амалга оширмоқда. Бироқ, ушбу гуруҳлар, мутасаддилар фаолиятида жиддий камчиликлар мавжуд, яъни, амалий ишлар талаб даражасида эмас. Маъмурий-ҳудудий бирликлар, майдон ва кўчалар, географик объектлар номларини ўзгартириш, иш юритиш давлат тилида бажарилишини таъминлаш, ўзбек тилини ўргатиш бўйича қонун талаблари даражасида иш олиб борилмаяпти. Хусусан, кўча ва жойларни янги номлар билан аташда чалкашликларга йўл қўйилмоқда. Қатор идора ва ташкилотларнинг расмий муҳр ва тамғалари ҳамон ўзгартирилмаган. Олмалиқ, Янгийўл, Бекобод ва Ангрен шаҳарларида кўчалар номини ўзгартириш, янги лавҳаларни ўрнатиш ишлари кўнгилдагидек эмас.

Мажлисда кўрилган масала юзасидан Ўзтелерадиокомпания раиси вазифасини бажарувчи З. Ҳакимов, Республика фанлар академияси президенти Т. Жўраев, ЎзА бош директори М. Хазратқулов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, мазкур қонуннинг бажарилиши борасида қилинган ишлар хусусида ахборот бердилар.

Танқид руҳида ўтган мажлисда ҳуқуқий жамият барпо этилаётган республикамизда ҳар бир қонун ижросини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга экани уқтирилди. Шу маънода «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг шак-шубҳасиз бажарилишига эришиш қадриятларимиз, истибдод йилларида топталган миллий ғуруримизни тиклаш йўлидаги энг муҳим ишлардан биридир.

Мажлисда давлат тилига эътиборни кучайтириш, бу борада мутасадди раҳбарларнинг масъулиятини ошириш зарурлиги қайд этилди. Ишларни қонун талаби даражасига кўтариш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

(ЎзА).

Бу ҳақда Бухоро вилояти Кенгаши сессиясида гапирилди

«АНДИЖОН УСУЛИ» ТОШКЕНТГА ЙЎЛ ОЛДИ

Ҳеч кимга сир эмас, ажойиб пахта усталари билан фахрланиб келган ўлкамизда, шу жумладан вилоятимизда халқ хўжалигининг бу муҳим, етакчи, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тармоғи бир қадар оқсай бошлади. Айрим нуқсонларга йўл қўйилди, оқибатда ялпи пахта ҳосили мўлжалдагидан анча кам бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз бу соҳада рўй берган муаммоларни тезроқ ҳал этиш, тармоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, пахтачиликни ҳар жиҳатдан юксалтириш чора-тадбирларини кўрмоқда.

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ошириш, пахта толаси сифатини яхшилаш, юқори сифатли уруғ етиштиришни кўпайтириш ва шу йўл билан уруғчилик маданиятини ошириш, экинларни суғоришда сувни тежаш, атроф-муҳитни соғломлаштириш, экология вазиятини яхшилаш асосий мақсад қилиб қўйилмоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, бу олижаноб мақсадга ишлаб чиқаришга илғор, истиқболли усулларни, янгиликларни жорий этмасдан туриб эришиб бўлмайди. Пахтачиликда «Андижон усули» деб ном олган, шахсан Президентимиз томонидан маъқулланиб, қўллаб-қувватланган ва кенг миқёсда жорий этишга тавсия этилган уруғликни плёнка тагига экиб, ғўзани эртаки ва калта бўғин қилиб ўстириш усули ана шундай янгиликлардандир.

Вилоятимизнинг бир гурух деҳқонлари Андижонга бориб, янгиликнинг моҳиятини ўрганиб қайтдилар. Бу усулнинг жорий этилиши, пахтанинг 10—15 кун олдин пишиб етилишини таъминлайди. Оқибатда октябрь ойидаёқ ҳосил йиғим-теримини якунлаш, ноябрь ойида ерларни шудгорлаб қўйиш ва демакки, янги ҳосилга мустаҳкам замин яратиш имкониятини беради. Бунинг аҳамиятини, иқтисодий самарасини тўла англаб етган вилоятимиз деҳқонлари майдонда «Андижон усули» бўйича пахта етиштиришга қарор қилдилар.

Ўтган сешанба куни Оққўрғон туманидаги «Султонобод» жамоа хўжалигида бўлиб ўтган семинар-кенгаш аңа шу ғоят долзарб ва муҳим масалага бағишланди.

Кенгашга вилоят туманлари ҳокимлари, хўжалик раҳбарлари, мутахассислари, техника таъминоти ва кимё хизмати кўрсатиш идораларининг мутасаддилари, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси раҳбарлари, мутахассислари таклиф этилган эдилар.

Семинар-кенгаш ишини вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Тўлқин Мирёқубов олиб борди.

Семинар-кенгаш — амалий машғулотида пленка тагига 90 сантиметрли эгатларга қўшқатор-лаб чигит экадиган махсус сеялкалардан қандай фойдаланиш, уларни қандай созлаш ва ишлатиш намойиш қилиб кўрсатилди.

Намойиш жараёнида вилоятнинг етакчи мутахассислари ишни ташкиллаштиришга оид тушунтириш, маслаҳатлар бериб бордилар. Бу усулнинг муваффақиятини таъмин этувчи энг муҳим ва асосий омил, деб қайд этилди амалий машғулотда, чигит пленка тагига экиладиган майдонлардаги тупроқни ниҳоятда майин ва донадор қилиб юмшатишдан иборатдир. Шунга эришиш керакки, экиш олдидан майдонларда ҳатто данакдек ҳам кесак, хас-чўплар қолмаслиги керак. Акс ҳолда иш жараёнида хас-чўплар пленкани йиртиб ишга ҳалақит беради. Чигит уяларга тўлиқ ва бир меёрда тушмай сўзга чиқди. Ҳақиқатан ҳам биз ниҳоятда истиқболли, бироқ, масъулиятли ишга қўл урдик. Вилоятимизда ажойиб пахта усталари меҳнат қилишади. Уларнинг кучи ва гайрати билан ҳар қандай мушкулни енга оламиз. Лекин бунинг учун жон койитиш, меҳнат қилиш, шу кундан эътиборан янги усулни муваффақиятли жорий этишга тайёргарлик кўриш, онгимизни, шууримизни шунга мослашимиз керак. Хотиржамлик, ишга эскича муносабат билан бу соҳадаги мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳозирдан бошлаб далаларни, ариқ-зовурларни экишга тайёрлаб қўйиш, об-ҳавонинг қулай келаётганлигидан фойдаланиб, одамларни дала ишларига сафарбар этиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир туманда, хўжаликда эришилган натижаларни танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, ишни Президентимизнинг куни кеча Бухорода бўлиб ўтган йиғилишда сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар асосида ташкил этишимиз талаб этилади.

Янги усулнинг муваффақияти кўп жиҳатдан техниканинг қандай созланганлигига боғлиқ. Шунга эришиш керакки, янги усулда чигит экадиган техникалардан моҳирона фойдаланиб, экишни энг қулай муддатларда узоғи билан 10—15 кунда тугаллаб олишимиз керак. Акс ҳолда янги усулнинг афзаллигига путур етказган бўламиз. Бундан чиқадиган хулоса шуки, янги усулда чигит экиш учун бу усулга қизиққан, меҳр қўйган, унинг истиқболи ҳақида тўғри мулоҳаза қиладиган пахтакорларни, механизаторларни экиш экипажи аъзоларини жалб этишимиз керак. Ҳозирдан бошлаб бу масалани оқилона ҳал қилиш йўллари ҳақида ўйлашимиз керак.

Шунингдек, семинарда қайси туманда, қанча гектар майдонга янги усулда чигит экилади, вилоят бўйича қанча мослаштирилган сеялка керак, қанча миқдорда ниҳоятда сифатли туксизлантириган уруғлик талаб этилади ва бошқа масалалар тўғрисида ҳам маслаҳатлашиб олинди. Бу ҳақда тегишли ташкилотларга топшириқлар берилди.

Носир РИХСИЕВ.

Уволи тутмайдими!

«КЎЗИМ КЎР, ҚУЛОҒИМ КАР»

ИККИ йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган эди. Шу йил 25 ноябрида эса Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори кучга кирди. Лекин қабул қилинган фармон ва қарорларга қарамай, жойларда қишлоқ хўжалиги экинларини, хусусан, ғаллазорларни пайҳон этиш ҳолатлари ҳамон давом этмоқда. Шу боис юртбошимиз яқинда Бухоро вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида бу масалани яна бир бор кўтарди.

Хўш, бизнинг вилоятимизда қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини пайҳон қилишга қарши кураш ишлари қандай бормоқда?

Тўғри, Президент фармони ва ҳукумат қарорини ижро этиш юзасидан жойларда бирмунча ишлар амалга оширилди. Дастлаб бу тадбирга қатъий бел боғланди. Экинзорларни кузатувчи вакиллар комиссиялари, далаларни кўриқловчилар гуруҳлари, жойлардаги ҳудудий идоралар вакиллари ходимлари бу борадаги вазифаларни бажаришга астойдил киришгандек бўлдилар. Аммо, секин-аста экинларни пайхон қилиш ишларига эътиборсизлик яна кучая бошлади. Ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик «касали»дан кўнгил узолмаган мутасаддилар, раҳбарлар бу ишга панжа орасидан қарай бошладилар.

Ички ишлар идоралари ходимлари кузатиш учун от-улов билан таъминланганликлари, ҳудудий вакилларнинг кўпгина мактабларда юқори синф ўқувчилари билан махсус учрашувлар ўтказганлиги, маҳаллалар, гузарлар, хонадонларда тушунтириш ишлари олиб борганликларига қарамай молларни далаларга бепарво қўйиб юбориш ҳолатларига барҳам берилмади.

Биргина шу йилнинг ўзида вилоятимизда ички ишлар идоралари ходимлари экин майдонларини пайхон қилишнинг 120 та ҳолатига дуч келдилар. Аниқланишича, анчагина экин майдонларига зарар етказилган. Ўз молларини бебош қўйиб юборган кўплаб шахсларга маъмурий чоралар кўрилди. Етказилган моддий зарарлар ундирилди, 38 минг сўмдан ортиқ жарима солинди. Биргина мисол, Бўстонлиқ туманининг Пском қишлоғида яшовчи Мирзараим Абдурахмоновнинг беш бош қорамоли анча-мунча майдондаги картошкани пайхон қилиб ташлади. Моддий зарар 111 минг сўмдан зиёд бўлди. Фермер хўжалиги бошлиғи бўла туриб, бундай ишга йўл қўйган М. Абдурахмонов устидан жиноий иш қўзғатилди.

Гап жазолашда ёхуд жарималарда ҳам эмас. Энг муҳими, экинзорларни пайхон қилишга қарши кураш ҳамманинг — оддий кишидан тортиб, то катта лавозимдаги раҳбарлargача тегишли эканлигини тушуниб олишимиз керак эди. Гаплар гапираверилди, далолатномалар тўлдираверилди, ваъдалар олинаверди, лекин, экинларни пайхон қилишга қарши кураш иши талаб даражасида ташкил этилмади. Бунинг боиси хўжалик раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари,маҳалла оқсоқоллари «Мен сенга тегмай, сен манга тегма» қабилида иш тутмоқдалар. «Экинзорнинг бирёқ четида мол боқса, боқибди-да, ўзимизнинг одамлар-ку» дегувчи ҳотамтой мутасаддилар ҳам йўқ эмас.

Президентимиз Бухоро вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида «Нима учун деҳқон шунча катта ишонч ва умидлар билан, пешона тери билан эккан, энди кўкарган ниҳолларга бировлар сигирини, бузоғини қўйиб юборади, пайхон қилади?!», «Нима учун шу хўжалик аъзолари бўлмиш, шу хўжалик эгалари бўлмиш одамлар бу номаъқулчиликларга бепарво қарайди? Кўра-била туриб, чорасини кўрмайди?», «Ғаллани пайхон қилиш қип-қизил нонкўрлик, нонтепкилик эмасми? Гуноҳ эмасми? Уволи тутмайдими?

Хўжалик эгасиман деб гердайиб юрган раисларни қандай тушуниш мумкин?

Бундай нонкўр кимсаларга қарши ҳокимлар нима чора кўряпти?», дедилар.

Юртбошимизнинг куюнганича бор. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари бориб, бир ишнинг «хашагини» очмагунча, хўжалик раҳбарлари лом-мим демайдилар. «Кўзим кўр, қулоғим кар» қабилида иш тутаётган бошлиқларнинг ўзлари масъулиятсизликнинг, бепарволикнинг, лоқайдликнинг тўридан чиқа олмаётганга ўхшайдилар. Туманлар ҳокимликларидаги мутасадди раҳбарлар ҳам экинларни пайхон қилишга қарши кураш тадбирларини ўз ҳолига ташлаб қўйганликлари сир эмас.

...Айни кунларда далаларга, тог ёнбағирларига чиқиб кўринг-а... Ердан униб чиқаётган буғдой майсазорларини кўриб, ҳавасингиз келади. Уларни кўз қорачиғидек авайлаб-асрасак, уларнинг молларга емиш бўлиши ҳолатларини кўрганимизда виждонимиз азоб чекса, бўлажак ризқ-рўзимизни бут қилган бўламиз. Шундай экан, юртбошимиз сўзлари билан айтганда, кузги ғаллани асраш, парвариш қилиш ҳаётий зарурат, ҳаётий мақсаддир!.. Бу иш мавсумий эмас, балки, доимий мақомга эга бўлиши керак.

Нурқосим АЙТУҒАНОВ, вилоят ИИБ жиноят олдини олиш бошқармаси ходими, милиция майори.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАНИГА НЕ ЕТСИН...

Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси биноси олдида турган «Дамас» автомашиналари кўпчиликнинг диққатини тортди. Уларга «Тез ёрдам» белгиси қўйилган эди. Бошқарма бошлиғи Абдувоҳид Содиқов бу воқеани шундай изоҳлади:

— Бу «Тез ёрдам» машиналари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртмаси билан Асакада тайёрланган. Жаҳон андозаларига мос машиналарнинг лойиҳаси вазирлик ва «ЎзавтоДЭУ» мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Вилоят ҳокимлиги ўнта ана шундай машина сотиб олиш учун маблағ ажратди. Улардан аҳоли соғлигини сақлаш, тиббий хизмат кўрсатиш учун фойдаланилади. Бошқарма фаоллари йиғилишининг қарорига кўра, мазкур машиналардан бештаси янги замонавий қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилган Оҳангарон, Бекобод, Чиноз, Юқоричирчиқ ва Паркент туманларига берилди. Бу туманлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш тўғрисидаги қарорини ҳаётга тадбиқ этишда катта муваффақиятларни қўлга киритган.

«Дамас» тез ёрдам машиналарида бемор учун анча қулайликлар яратилган. Врач, тиббиёт ҳамшираси билан бирга лаборант учун ҳам жой ажратилган. Бундай машиналар айниқса қишлоқ шароитида жуда қўл келиши шубҳасиз. Қолаверса, ўзингдан чиққанига не етсин, деган хикмат бор.

Б. МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.



Тиббий тез ёрдам кўрсатишга мослаштирилган «Дамас» автомашинаси.
Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

БИРИНЧИ ЎРИНДА БЎКАЛИКЛАР

КУНИ кеча вилоят электр тармоқлари корхонасига республика энергетика вазирлигидан хушхабар келди. Унда вазирлик ўтказган кўрикда Бўка тумани электр тармоқлари корхонаси биринчи ўринни эгаллаганлиги муносабати билан унинг жамоаси Фахрий ёрлиқ ва 117 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланганлиги маълум қилинган.

Вилоятимизнинг Паркент, Юқоричирчиқ, Оққўрғон туман электр тармоқларининг ҳам қишки мавсумга тайёргарлиги намунали деб топилиб, уларнинг жамоаларига, шунингдек, 21 минг километр масофадаги турли кучланишли қувват ўтказгичларни сифатли таъмирлаганликлари учун вилоят электр тармоғи корхонасига миннатдорчилик билдирилди.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ҲИММАТ

ТОШКЕНТ туманн ҳокимлигининг навбатдаги йиғилишида 1997 йил учун матбуот нашрларига обуна бўлиш ишларининг бориши тўғрисидаги масала кўрилди. Бу ҳақда туман ҳокими А. Йўлчиев маълумот бериб, бу муҳим сиёсий мавсумни уюшқоқлик билан давом эттириб, кўзланган мақсадга эришиш лозимлигини уқтирди. Ҳозиргача туман «Истиқлол нури» газетасига 4940 та, «Тошкент ҳақиқати» газетасига 1400 дан кўп киши ёзилди. Ҳоким обуна ишларини уюшқоқлик билан ташкил этган Ғ. Абдуллаев, Ўзбекистон, Ҳасанбой, Навоий, С. Раҳимов, Ғ. Умаров хўжаликлари номини алоҳида қайд этди. Умуман, туманда газета ва журналларга обуна бўлиш ишлари бу йил жуда яхши ташкил этилди.

Бахтиёр БАҲОДИРОВ.

ХАЗОНДАН — ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛИ

ҲОЗИР хазон-резгилик. Дарахтларнинг совуқдан қовжираган барглари шаҳар ва қишлоқлардаги боғлар, майдонлар, хиёбонларда ястаниб ётипти. Кўп ҳолларда улар ахлатхоналарга ташилади, ёхуд ёқилади ва атроф-муҳитга катта зарар келтирилади.

Хазондан хом ашё сифатида фойдаланиб бўлмайдими? Янгийўлдаги мебель корхонаси мутахассислари шу муаммо билан шуғулланишга қарор қилдилар. Уларнинг изланишлари яхши самара берди. Дарахтлар баргларидан ёғоч-қипиқ плиталари ишлаб чиқариш мумкинлиги аниқланди. Шаҳардан тўплаб келинган хазондан қимматбаҳо қурилиш материалининг дастлабки намуналари тайёрланди. У мутахассисларнинг яхши баҳосини олди.

Собир ҲАМИДОВ.

1997 йил — Инсон манфаатлари йили

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА — ДОИМИЙ ВАЗИФА

Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгашида шу мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди

МАМЛАКАТИМИЗ халқ хўжалигининг барча тармоқларини бозор иқтисодиёти шароитларида ишлашга ўтказиш ишлари тобора жадаллашиб бормоқда. Албатта, бу осон кўчаётгани йўқ, кўпдан-кўп қийинчиликларни бартараф этишга тўғри келмоқда. Кенг халқ оммасининг турмуш шароитлари кескин ёмонлашиб кетмаслиги учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳам худди шунга қаратилгандир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг турфа қарорларида ҳам худди шу мақсад кўзланган. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб яқинда ўтказилган фаолларнинг тантанали йиғилишида сўзлаган нутқида ҳозирги ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган яна бир шиорни ўртага ташлади — 1997 йил «Инсон манфаатлари йили» бўлсин, деди.

Бу кенг меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлган касаба уюшмалари томонидан қизғин маъқуллаб, кутиб олинди. Албатта, бу шиорнинг амалга оширилишига касаба уюшмалари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари лозим. Бунга қандай эришиш мумкин? Қандай амалий тадбирлар кўриш лозим, шу кунда меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг асосий вазифалари нималардан иборат? Яқинда вилоят касаба уюшмалари кенгашида «Тошкент вилоятида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ижро этиш йўллари» мавзуида касаба уюшмалари фаоллари билан ўтказилган давра суҳбати шу масалаларга бағишланди. Унда вилоят ҳокимлиги бошқармалари раҳбарлари, шаҳар ва туман касаба уюшмалари кенгашлари раислари, йирик саноат корхоналари, ташкилотлари ва хўжаликлари раҳбарлари ва касаба уюшмалари, вилоят тармоқ касаба уюшмалари қўмиталари раислари, ҳукуқшунослар қатнашдилар.

Давра суҳбатини ўтказишдан олдин барча меҳнат жамоаларига мурожаат қилиб, улардан аҳолини, айниқса кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш билан боғлиқ бўлган фикр-мулоҳазалар билдириш, саволлар бериш таклиф этилди. Бу саволлар олдиндан тўпланди ҳамда мутасадди идоралар раҳбарларига тарқатилди. Улар давра суҳбатида жавобларини тайёрлаб келдилар.

Давра суҳбатини кириш сўзи билан очган Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси М. Тўлаганова мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар кенг кўламда амалга оширилаётганлигини таъкидлар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Конституция кунига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишдаги нутқида 1997 йилни «Инсон манфаатлари йили бўлсин» деб эълон қилганлиги айни муддао бўлганлигини қайд қилди ва шу муносабат билан вилоят касаба уюшмалари олдида турган катта ва шарафли вазифалар ҳақида батафсил тўхталди.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши кенг меҳнаткашлар оммасини ижтимоий ҳимоя қилишнинг турли шаклларидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Ҳар йили вилоят ҳокимлиги билан тузилаётган битимлар, корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар маъмуриятлари билан тузилаётган жамоа шартномалари, турли хил моддий ёрдам кўрсатишлар, меҳнаткашларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга ёрдам бериш шулар жумласидандир.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши оғир иқтисодий шароитлар, маблағ етарли бўлмаслигига қарамай меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масканларини сақлаб қолишга алоҳида аҳамият билан қарамоқда. Ҳозир ўн бешта профилакторий ишлаб турипти. Уларда йил бошидан бери 15 минг нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар, деҳқонлар ўз салоҳатликларини мустаҳкамладилар. Бундан ташқари курорт ва санаторийларга бориш учун юзлаб меҳнаткашлар йўлланма билан таъминланди. Меҳнаткашлар фарзандлари ёзги таътилни мазмунли ва яхши хордиқ чиқариб ўтказишлари учун тобора кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Шу туфайли бу йил ҳаммаси бўлиб ўттиз уч минг бола ёзги оромгоҳлар қўйнида дам олдилар. Ўтган йили 14 минг бола бунга муяссар бўлган эди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, касаба уюшмалари ташкилотлари меҳнаткашларни муҳофаза қилишнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланмаяптилар. Айрим жойларда, айниқса хусусий корхоналарда жамоа шартномалари тузишдан қочишга интилиш сезилмоқда. Кўпгина хусусий корхоналарда бундай шартномалар умуман йўқ. Касаба уюшмалари эса бундай ҳолат билан муросасозлик қилмоқдалар. Бундай ўзибўларчиликка хотима бериш лозим. Бу ижтимоий муҳофаза механизмини яхши билмаслик, айниқса, меҳнат ҳақидаги қонунни чуқур ўзлаштирмаганлик оқибатидир.

Тошкент вилояти ҳокимининг маслаҳатчиси А. Раҳимбоев ўз сўзида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш муҳим масала эканини таъкидлаб, вилоят ҳокимлиги бу масалани доим эътибор марказида сақлаб бу йўлда кўпдан-кўп чора-тадбирларни амалга ошираётганлигини айтди. Айниқса, вилоят бюджетнинг даромад қисми бўйича режани бажаришга интилмоқда. Бу соҳада солиқ, банк, молия идораларининг фаолияти кучайтирилмоқда. Шу туфайли даромад олиш бўйича 11 ойлик режа 102 фоиз қилиб бажарилди. Фойда бир неча миллиард сўмни ташкил этди. Бунинг ҳисобига бюджет ташкилотлари ишчи-хизматчиларига маошлар ўз вақтида тўланмоқда. Пенсиялар, кўп болали оилаларга, ногиронларга нафақалар тўлаш анча яхши йўлга қўйилди. Ҳозир фақатгина иккита туманда пенсия, бешта туманда иш ҳақи бўйича қарз бор. Улар йил охиригача узилади.

Давра суҳбатида сўзга чиққан вилоят меҳнат, бандлик ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Т. Холбоев, вилоят солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш. Тожиев, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари З. Қодиров, шу кенгаш бош ҳуқуқий нозири Қ. Пиримқулов, марказий банк вилоят бўлими раисининг ўринбосари Т. Йўлдошев, вилоят «Камолот» жамғармаси раиси Ё. Турсунов, вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси раиси ўринбосари Ю. Маликовлар муҳокама қилинаётган масала юзасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ва тушган саволларга жавоб бердилар.

Мирсобир МИРАҲМЕДОВ.

ДАВОЛАШДА — ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтида «Хазм қилиш органлари касалликларининг диагностикаси, даволаш усуллари ва профилактикасининг янги йўналишлари» мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари, Туркия ва Россия федерациясидан келган етакчи мутахассис ва олимлар иштирок этди.

Анжуманда касалликни даволашда эришилган натижаларни умумлаштириш, тўпланган тажрибаларни қўллаш масалалари муҳокама этилди. Ошқозон-ичак касалликларини даволашда қўлланиладиган янги препаратлар, тиббий асбоб-ускуналар кўргазмаси намойиш этилди.

(ЎзА мухбири).

Оҳангарон тумани ташкил этилганига 70 йил тўлди

ТОШКЕНТ вилоятидаги энг йирик ва қадимий масканлардан бири бўлган Оҳангарон тумани ташкил этилганига 70 йил тўлди. Оҳангарон тарихий даргоҳ. Бу ерга улуғ соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг ҳам муборак назари тушган. Оҳангарон шаҳри эса улуғ саркарда томонидан бунёд этилган. Тарихда «Буюк ипак йўли» деб номланган қадимий маданий ва савдо йўлининг бир бўлаги кўҳна Шошни Фарғона водийси билан боғлаган. Бир бўлаги Оҳангарон воҳаси орқали ўтиб улуғ карвонларни Қандир довон йўллари билан қадим Хитойгача олиб борган. Ўзининг қутлуғ байрамини нишонлаётган туман мустақилликнинг беш йили мобайнида барча соҳаларда маълум ютуқларга эришди. Аҳоли турмуш тарзи яхшиланмоқда.

АМИР ТЕМУР ЎТГАН УШБУ ВОҲАДАН

Бугунги жўшқин давр билан ҳамнафас қадам ташлаётган Оҳангарон жуда қадимий туман. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, эрамиздан аввалги V — IV асрларда ҳам Оҳангарон теграларида Бинокент, Бинокат, Илоқ ва Имлоқ деган кучли давлатлар бўлган. Мазкур мамлакатлар ўз мавқеи ва эътибори билан Марказий Осиёда катта нуфузга эга эканлиги, айниқса, қизиқарлидир. Ўша вақтлардаёқ зарб қилинган олтин тангалар бу давлатларнинг дунё миқёсидаги мавқеини ошириб юборди. Имлоқ давлати ўзининг нуфузи билан Бақтрия ва Мовароуннаҳрда қудратли давлатлар тоифасига кирган. Аммо, мамлакатга Чингизхон бостириб кирган йиллардан кейин бутунлай вайрон бўлган ва бошқа тарихий манбаларда мазкур давлат ҳақида ҳеч қандай маълумотлар учрамайди.

Кейинчалик туман ҳудудлари машҳур Амир Темур салтанатига кирган ва айтиш мумкинки, улуғ соҳибқироннинг барча қазилма бойликлари шу ердан олинган. Амир Темур ўз даврида бир неча марта Оҳангаронга келган. Ҳозирги Олмалиқсой, Гўшсой, Навгарзансой ва бошқа жойларда олтин, кумуш ҳамда бошқа қазилма бойликларни қазиб олган, маъданларни шу ерда эритиб, қуроллар ясаттирган. Кейинчалик туман ҳудудлари Тошкент хонлигига ва XVII асрдан бошлаб Қўқон хонлигига бўйсунган. Бу ҳол то мамлакатда Октябрь давлат тўнтаришигача давом этган. Кейин Оҳангарон ҳудудларида 4 та депара (қишлоқ) ташкил этилган. Облиқ, Хўрдан, Телов ва Хонжиғали депаралари бўлиб, маълум вақтларгача уларни маҳаллий мингбошилар бошқарган. Фақат 1926 йилдагина Оҳангарон ҳудудида энг аввал Ангрен райони ташкил топди, кейинчалик туманнинг номи Курама деб аталди. Қирқинчи йилларнинг бошларида эса Оҳангарон тумани номини олди.

Туман 1958 йилда асоссиз равишда Ангрен ва Олмалиқ шаҳарлари ихтиёрига қўшиб юборилган. 1961 йилдан яна қайта тикланган. 1963 йилдан эса туман Ўртачирчиқ туманига қўшиб юборилган. 1967 йилда туманнинг ҳозирги «Бирлик», Телов ва Сусам фуқаролар йиғинидаги ҳудудлари Пискент тумани ихтиёрига берилди. Ниҳоят, 1971 йил 7 сентябрдан Оҳангарон тумани қайта тикланди. Шубҳасиз, туман ҳудудларининг турли йилларда бошқа туманлар ихтиёрига қўшиб юборилиши бу ерда кадрлар кўнимсизлигини келтириб чиқарди.

Турли йилларда ишлаган Холтўра ака Эшназаров, Тоштон ота Султонов, Ўткир ака Зулфиев, шунингдек Мансур Қорахўжаев, Маҳмуд Қосимов, Умар Умурзоқов, Абдувоҳид Қосимов, Турғун Валиев, Бахрулло Аҳмедов, Ягья Ибрагимов, Шомурот Аноркулов, Вали Муҳамедов, Камол Аъзамов, Карим Икромов, Содиқжон Мусаев ва бошқалар халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлган обрўли кишилар сифатида туман равнақига кўп улуш қўшишган.

Оҳангаронда Алибек Қўшоқов, Бийтура Бозоров, Майрам опа Хайитқулова, Холтўра Ҳусанов, Қосим Ботиров, Насриддин Шамсиддинов, Норали Эшов, Собир Суюнов сингари колхоз раислари, Рўзибой Қўзиев, Олтин опа Тўғизбоева, Майрам Қурдошева, Ойниса Ғозибекова, Ўроз Оролов, Азим Мирзаев сингари қишлоқ шўроларининг раислари ҳам туман меҳнаткашлари манфаати учун кўп ишлар қилишган.

Туманнинг географик иқлим шароити асосан ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослашган бўлса-да, бу ерда ҳар қандай экинларни мўл ҳосил етиштириш имконияти мавжуд. Бир вақтлар туманда канакунжут, пахта, ерёнғоқ, қанд лавлаги ҳам экилиб юқори ҳосил олинган. Кейинчалик туман атрофида, аниқроғи, унинг ҳудудларида кичик қўрғончалар бақувват саноат шаҳарлари қад ростлаган. Қизилтов, Ангрен, Янгиобод ва Олмалиқ шаҳарларининг пайдо бўлиши эса туманни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирадиган масканга айлантирди.

Яқин-яқинларгача Оҳангарон тумани шаҳарлик меҳнаткашлар учун 78 минг тонна сабзавот, 24 минг тонна гўшт, анчагина сут ва сут маҳсулотлари, 50 минг тонна ғалла, кўплаб мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирган. Ҳозирги бозор иқтисодиёти қийинчиликлари шароитида айрим соҳаларда бу рақамлар бироз қисқарган бўлса-да, кўпгина тармоқларда сезиларли равишда олдинга силжишлар бўлмоқда. Хусусан, сўнгги икки йил мобайнида ғалла экиладиган майдонлар 2 минг гектардан зиёдроқ кўпайди. Шоличилик асосий тармоққа айланиб бормоқда. Фақат сўнгги бир ярим йилнинг ичида туманда юзга яқин деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилиб, улар 2,5 минг гектардан зиёдроқ суғориладиган ерларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирмоқдалар. Туманда етиштирилган сархил мевалар, ширин-шакар узумлар, сервитамин сабзавотлар, картошка ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари Тошкент, Ангрен, Олмалиқ, Янгиобод, Қизилтов ва Оҳангарон шаҳри меҳнаткашларининг эҳтиёжларини қондирмоқда.

Вилоятимиздаги каби бизнинг туманимизда ҳам Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари бўйича кўпгина амалий ишлар қилинди. Ислоҳотлар туфайли ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 — 1996 йилларда Оҳангарон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан қабул қилган қарорига мувофиқ, бир қатор йирик тадбирлар рўёбга чиқди. Республика ва вилоят ташкилотларининг ёрдами билан туманда янги мактаблар, болалар боғчалари, автокорхона, Телов — Нуробод кўприги, тиббий хизмат шаҳобчалари қурилди. Ўтган давр ичида бир неча қишлоқлар, жумладан, Алишер Навоий номли, «Оҳангарон», «Ангрен», «Дўстлик», «Янги ҳаёт», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларининг йирик аҳоли истиқомат жойлари газлаштирилди. 57 километр масофага газ тармоқлари етиб борди. Ички газ тармоқлари эса 162 километрни ташкил этди. Ҳозирги пайтда ҳаммаси бўлиб 2 мингга яқин хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлмоқда. Туман аҳли 28 километр узунликдаги сув тармоқларидан фойдаланмоқда. Булардан ташқари, бир неча қишлоқларда артезиан қудуқлари, сув насослари аҳолига хизмат қилмоқда. Қишлоқларда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ишлари давом этаётир. Шунингдек, кўплаб электр тармоқлари, йўллар қайта таъмирланди. Ўтган муддат давомида 43 километр масофадаги эскирган алоқа тармоқлари янгисига алмаштирилди. Бир қатор ҳудудларда эса алоқа тармоқларини таъмирлаш ишлари амалга оширилди. «Радун» русумли алоқа мосламаларидан фойдаланиш ҳам қатор қишлоқларда йўлга қўйилди. Туманда юз берган сел, тоғ кўчкилари ва бошқа табиий офатлардан зарар кўрган оилаларга, янги уйлар қуриш учун 80 гектар ер ажратилди. Уларнинг уй-жой қуриб олишлари учун 17 миллион сўмга яқин товон пуллари тўпланди.

Туманда бугун 30 га яқин хусусий кичик корхоналар, 2 та мевани қайта ишловчи корхона, ўнлаб тегирмон, обжувозлар, зигир ва масхар ёғлари чиқарувчи муассасалар, тикувчилик ва тўқувчилик корхоналари мунтазам ишлаб турипти. Туманимизда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ободончилик соҳаларидаги ишлар ҳам тобора яхшиланиб бораётир.

Мустақиллик йиллари ичида хусусийлаштириш борасида анчагина тадбирлар рўёбга чиқди. Ҳозир ўндан ортиқ майда йирик саноат корхоналари бошқаришнинг ижара ҳамда ҳиссадорлик усули асосида фаолият кўрсатяпти. Кўплаб хўжалик тармоқлари ҳам хусусийлаштирилган. Ишни янгича ташкил этишнинг афзалликларини айрим корхоналар мисолида аллақачон исбот этдик. Масалан, биргина Оҳангарон бинокорлик материаллари саноати корхонаси нафақат республика, балки халқаро микёсда бунёд этилаётган улкан қурилишларга ўз маҳсулотларини бера бошлади. Жумладан, Ўзбекистондан бошланиб Туркманистон ва Эрон орқали ўтадиган янги темир йўл тармоғи учун бетон шпаллар ва темир йўл қурилиши учун зарур бўлган бошқа материаллар Оҳангарон бинокорлик материаллари саноати корхонасида тайёрланиб манзилларга жўнатилмоқда. Айни пайтда корхона Қашқадарё ва Сурхон водийси туманларини бир-бири билан боғловчи темир йўллар қурилиши учун маҳсулотлар ишлаб чиқараётир. Бу ерда халқ истеъмоли товарлари, жумладан, шлакоблок ва бошқа материаллар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Ҳудудимиздаги «Олмалиқ» ёрдамчи хўжалигида Исроил давлати ишбилармонлари билан ҳамкорликда гўшт ишлаб чиқарадиган янги технологиядаги чорвачилик саноати мажмуи икки йилдан бери самарали фаолият кўрсатмоқда. Умуман, бошқа хўжаликларда ҳам саноатлаштириш тажрибасини амалда қўллаш чора-тадбирлари кўрилаётир. Мулкка эгалик ҳиссининг ортиши ҳар бир соҳага хусусий манфаат нуқтаи назари билан қараш ишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Буни, айниқса, деҳқон-фермер хўжаликларида чорва моллари бош сонининг ортиб бораётганлиги, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сезиларли ўсаётганлиги билан ҳам изоҳласа бўлади.

Ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Оҳангарон тумани аҳли ўзларининг қутлуғ байрамларини барча соҳаларда катта муваффақиятлар билан нишонлашга интилганлари ҳолда мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётирлар. Шундай қутлуғ фурсатдан фойдаланиб, мен туманимиздаги барча кишиларни ҳокимлик номидан шонли айём билан самимий табриклайман, уларга сиҳат-саломатлик ҳамда бағри-бутунлик тилайман.

Улуғбек ИБРОҲИМОВ, Оҳангарон тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати.

Пастдаги сурат-лавҳалар туманнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олаётган энг илғор корхона — Оҳангарон қурилиш материаллари саноати ишлаб чиқариш бирлашмасидан олинди.

Равиль Шамсутдинов олган суратлар.



Маънавият — олий қадрият

— Домла, ўзингизга маълумки, кейинги пайтда республикамизда маънавият ва маърифат масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу соҳанинг таниқли мутахассис олими сифатида бу ёндошувни қандай изоҳлаган бўлар эдингиз?

— Буни замон талабидан келиб чиққан зарурат деб ҳисоблайман. Чунки, ислоҳотларни амалга оширадиган одамлар биринчи галда маънавий баркамол, юксак даражада маълумотли, маданиятли бўлгандагина муваффақиятларга эришиши мумкин. Тарихимизга мурожаат қиладиган бўлсак, ота-боболаримиз, аввало, инсонийликка, иймон-эътиқодга, покиза ахлоққа эътибор берганларини кўрамиз. Ахир инсон инсонийлиги билан бошқа мавжудотлардан фарқ қилади. Инсон инсонийлигини ҳар қандай шароитда, ҳар куни исботлаб туриши керак. Инсонийлик эса — яхши хулқ, эзгу амал, яхши сўз, чуқур билим, яратувчилик қобилияти, гўзалликдан ҳузурланиш ҳисси, орият, иймон, муҳаббат эгаси бўлишликдир. Бу фазилатлар бўлмаса, фозил кишилар жамиятини қуриш, иқтисодий тараққиётни амалга ошириш мумкинми?


Мана, демократия ҳақида гапирамиз. Жамиятда демократия қоидалари қарор топиши учун ҳам юқори даражадаги онглилик, маърифат, ахлоқий етуклик зарур. Демократия — бу, аввало, ахлоқ, маънавиятдир. Буни теран англаш керак.

— Тингловчилар билан бўлган бир суҳбатингизда «Халқимизнинг онгидаги салбий кусурлардан қутулишимиз керак» дедингиз. Ана шу фикрингизни чуқурроқ баён этсангиз.

— Кишиларимиз онгида тоталитар тузумдан қолган иллатлар бор. Бунга қарши курашиш керак деймиз, аммо, шу гапни айтаётган одамларнинг ўзлари шу иллатлардан ҳалос бўлиш учун ҳаракат қиляптими? Ҳар биримизда бор бу иллатлар. Ҳар биримиз ўзимизни, керак бўлса, «таҳлилдан ўтказиб» аттестация қилиб, кўришимиз керак. Мен бу кусурларни нималарда кўраман?

— Замон талабига ярайдиган саводхонликни, билимнинг етишмаслиги, ўрта миёналикка кўникиш, арзимас нарсаларни кўтар-кўтар қилиб юриш.

— Янги фикрдан кўрқиш, ҳаётда кузатган нарсаларини умумлаштириш, тавсиялар беришдан ҳадиксираш бор. Бундан қутулмасак, бўлмайди. Ҳар бир журналист, ёзувчи, олим киши жамиятимизнинг олдинги сафида туриб, воқеаларда фаол иштирок этиши, ҳодисаларни кенг таҳлил қилиб, хулосалар чиқариши, тараққиётга фойдаси тегадиган тавсиялари билан майдонга чиқиши лозим. Муаммолар ғиж-ғиж, буларни ўткир қалам, жонли сўз билан ёритувчи журналистлар бизда йўқми? Бор. Аммо, улар ўзларини панада олиб юришибди, хафсаласизлик қилишяпти. Олимларимиздан ҳам чуқур назарий тадқиқотларни, илмий умумлашмаларни кутаяпмиз. Мустақилликнинг олтинчи йилидамиз. Фалсафа, тарих, ҳуқуқшунослик бўйича миллий рухдаги мустақиллик тафаккури билан йўғрилган йирик тадқиқотларни ўқидингизми? Буларсиз қандай қилиб янги мафкурани шакллантириш мумкин.



— Бунинг сабаби яна ўша эски касалимизда — тепадан кўрсатма кутиш. Ваҳоланки, аксинча бўлиши керак. Президентимиз Ислом Каримов қайта-қайта таъкидлаб айтганидек, фикр, ташаббус, таклиф, тавсия жамиятнинг ичидан ўсиб чиқиши керак. Ҳукумат бу таклифлар, тавсиялар асосида ўзи учун хулосалар ишлаб чиқиши ва буни ҳаётга тадбиқ этиши лозим. Шунда илму-амал, дониш ва бошқарув, ҳикмат ва ҳокимият бирлашади, якдиллик билан олға бориш, якдил бўлиб муаммоларни ҳал қилиш мумкин бўлади. Бунинг учун ҳар бир шахс маънавий баркамол бўлиши талаб қилинади.

— Яна бир иллат — бу маънавий риёкорлик. Айтган гапига амал қилмаслик, баъзан айтган гапининг тескарисини қилиш. Гўё мақола, нутқ, китоб — бошқа олам, одамлар эса бошқа оламдай. Ҳолбуки, айтаётган гапимиз ишимиз билан мувофиқ бўлиши керак. Ачинарлиси шуки, «маънавият аҳли» ичида ҳам бу қусур ривожланган. Ўз асарининг салбий қаҳрамони ишини қилиб юрадиган ёзувчи-шоирлар йўқ дейсизми ёки жуда чиройли мақолалар ёзиб, ҳаётда ўзи эълон қилган ҳақиқатларга амал қилмайдиган журналистлар йўқми? Мен буни энг хавфли қусур деб ҳисоблайман.

— Яна бир қусурни «команда тузиш» деб атаган бўлардим. Хусусан, баъзи бир раҳбарларимиз ичида кўринади бу. Мен умуман «команда тузиш»га қарши эмасман. Агар раҳбар атрофига ҳақиқатан ҳам ақлли, ҳалол ва истеъдоди бор ходимларни йиғиб, бирга ишласа, бу нур устига нур. Энг яхши раҳбар — атрофига доноларни йиққан раҳбар, дейишади қадимий Хитой донишмандлари. Аммо шундай раҳбарларимиз борки, атрофига лаганбардор дастёрлар, гап қайтармайдиган, мустақил фикри бўлмаган «кадрлар»ни атайлаб танлаб олади. Бу ҳам фикрдан кўрқишнинг бир тури. Бундай «команда» тараққиётга хизмат қилмайди, аксинча, раҳбарнинг халқ орасидаги обрў-эътиборини туширади, ишончсизлик пайдо қилади.

Шундай йўл тутган раҳбар наинки янги фикрдан, балки, умуман ошкораликдан, танқиддан қўрқади. Яширилган нуқсонлар эса кўпайиб, катталашиб кетаверади ва давлат миқёсида зарар келтиради.

— Маълумки, олдимиздаги муҳим вазифаларни рўёбга чиқарувчи асосий куч — ёшлардир. Президентимиз уларга катта ишонч ва хайрихоҳлик билан қараётгани бежиз эмас. Сиз бугунги кун ёшларининг янги мустақил жамият қурилишидаги иштирокини қониқарли деб баҳолай оласизми? Уларнинг маънавий-маърифий янгиланишга муносабатингиз-чи?

— Биринчи галда ҳар биримиз эски тузумдан қолган тасаввурлар, одатларни тарк этишимиз керак. Эндиги вазифа, менинг назаримда, биринчидан, янгича фикрлайдиган, янгича яшайдиган ёшларни тарбиялаш. Ҳозир ёшларимизнинг бир қисми ташналик билан илғор мамлакатларнинг тажрибаси, илм-фанини ўзлаштирмоқда, амалиётчилик, тадбиркорликни ўрганмоқда. Бу яхши. Аммо, ҳамма ёшлар ҳам шу имкониятга эга эмас. Агар биздан кейин келадиган авлод ҳар жиҳатдан етук бўлсин десак, мактабдан то олий ўқув юртларигача таълимни такомиллаштириш, ўқиш-ўқитиш усулларини янгилаш зарур. Бизнинг мактабларни битириб чиқаётганларнинг саводхонлиги қониқарли эмас. Яна ўша эски иллат: шаҳодатномага, дипломга эга бўлиш бор, аммо билим, ҳаётга яроқли билим йўқ кўпчилик ёшларда...

Биз жаҳон тараққиётига етиб олиш учун ҳар томонлама билимдон мутахассисларга эга бўлишимиз лозим. Аммо, ана шу жаҳон илмига ташналик миллий-маънавий қадриятлар асосида давом этса, яхши бўлади. Чунки, маънавиятдан ажралган киши ўзи учун яшаши, ютуқларга эришиши мумкин, лекин, халқи учун яшамайди. Миллати, давлатининг жонкуяр одами бўла олмайди.

Биз Шарқу Ғарб, Осиё ва Оврупонинг чорраҳасидамиз. Дунё маданияти, турли динлар билан ошнамиз. Санъатда, дид ва тасаввурларда синтезлашув, омухталик кузатилмоқда. Бу ўзбек халқининг дунёга очиқ кўз ва оқ кўнгил билан қараши натижаси, умман олганда ёмон жараён эмас. Аммо, ҳозир бу дунё маданиятини ҳам миллий заминда, ўз маънавиятимиз заминида ўзлаштиришимиз керак. Биз учун миллий тикланиш, миллий шаклланиш, миллий якдиллик жудаям зарур. Бунинг учун қурашиш керак. Бизнинг ислом асосида ривожланган бой фалсафамиз, улуғ тарихимиз бор. Бу маънавий бойликни ўзлаштириб маънавий камолотимиз хизматига қўшишни жадаллаштириш пайти келди.

— Академияга ўзаро тажриба алмашиш учун дунёдаги тараққий этган давлатларнинг етук олимлари ҳам келиб турадилар, бевосита тингловчилар билан суҳбатларда, учрашувларда қатнашадилар. Уларнинг ўзбек халқи турмуши, маънавий олами, анъаналари қизиқтиришини яхши биламиз. Айтинг-чи, Академия мисолида чет эллик олимларни кўпроқ қизиқтираётган жиҳатлар қайсилар?

— Академия турли бўғиндаги раҳбар кадрларни ўқитиш, уларни қайта тайёрлаш мақсадида ташкил этилган. Бунда таълим жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган қилиб олиб борилмоқда. Шунинг учун хориждан мутахассислар таклиф этиш, уларнинг маъруза-суҳбатларини уюштириш, семинарлар ташкил қилиш Академиянинг ўқув режасига киритилган ва дастурларида акс этган. Зеро, биз тараққиётга эришган мамлакатларнинг босиб ўтган йўли, айниқса, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, давлат қурилиши бўйича тўпланган тажрибаларини уларнинг ўзларидан билиб олишимиз керак. Бизга ташриф буюрган хорижий меҳмонлар, олим ва дипломатлар ўзбек халқининг тарихи, қадимий маданиятига жуда қизиқиб қарайдилар, яхши анъаналаримизни ўрганадилар ва ўзлаштириб оладилар. Мени қувонтирган ҳол шуки, бизнинг маънавий бойлигимиз умумбашарий қадрият сифатида баҳоланмоқда ва дунёга ёйилмоқда. Масалан, Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд таълимотига кўплаб ҳозирги кун нуқтаи назаридан қизиқканларни кўриш мумкин. Зеро, Ғарбда ҳам маънавий йўқотишлар кўп. Инсон ақлий тараққиёт кетидан кувиб, маънавий тараққиётдан орқада қолмоқда. Шунинг учун шарққа мурожаат қилиб, инсон қалбини юксалтирувчи омилларни излаш, ундан баҳраманд бўлиш давом этмоқда Оврупода. Бу яна бир марта Президентимизнинг бозор иқтисодиётига ўтишда маънавият ва маърифатни устивор йўналиш деб эълон қилишлари катта мазмун кашф этишлигини кўрсатмоқда.

— Суҳбатингиз учун ташаккур. Ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Зарифа ЭРАЛИЕВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси.

ИСТИҚЛОЛИМИЗ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси проректори, профессор Нажмиддин КОМИЛОВ билан суҳбат



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

• Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг Бош вазир Ўткир Султонов бошчилигидаги Японияга қилган сафари муваффақиятли якунланмоқда.

• ЎЗБЕКИСТОН Конституциясининг тўрт йиллигига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1997 йилни Инсон манфаатлари йили деб эълон қилди. Бу таклиф республика жамоатчилиги билан бир қаторда халқаро ташкилотлар томонидан ҳам мамнунлик билан кутиб олинди. Шу муносабат билан «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси «Ижтимоий-экологик соҳада инсон манфаатлари» мавзусида давра суҳбати уюштирди. Унда чет эл дипломатия корпуслари ҳамда халқаро ташкилотларнинг ходимлари, қатор вазирликлар ва идоралар вакиллари иштирок этдилар.

• ЎЗБЕКИСТОН Марказий банки билан Индонезия банклари ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш масалалари бўйича банклараро битим имзоланди.

• «ЎзДЭУэлектроникс» — Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида икки хил телевизор, тўрт турда видеомагнитофон ва бошқа янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. 1997 йилдан бошлаб эса экрани катталиги 37 сантиметрдан 63 сантиметргача бўлган олти турдаги телевизорлар туркуми дунёга келади.

• СЛОВАКИЯНИНГ Бонск шаҳрида ўтказилган болалар ижоди халқаро кўргазмасида жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан келган тенгдошлари қатори ўзбекистонлик бир гуруҳ ёш мўйқалам усталари ҳам иштирок этдилар.

• ЎЗБЕКИСТОН санъат музейида япон мусаввирлари асарларининг кўргазмаси очилди.

ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

• ҚОЗОҒИСТОН халқи ўз мустақиллигининг беш йиллигини катта тантаналар билан нишонлади. Байрам тадбирларида Туркия президенти Сулаймон Демирэл иштирок этди. Тантаналар тугаши биланоқ Қозоғистон президенти Н. Назарбоев Австралияга расмий ташриф билан жўнаб кетди.

• ЯҚИН Шарқдаги тинчлик муҳити бироз қалқиб турипти. Бунга Исроил давлатининг бош вазири Б. Нетаньяху тутган сиёсат сабаб бўлмоқда. Куни кеча у Урдун дарёси соҳилларидаги яҳудийлар истиқомат қиладиган кўрғонлар қурилишини кенгайтиришни маъқуллаб гапирди. Бу фикр араб оламида катта ташвишга сабаб бўлди. Шу орада Б. Нетаньяху Фаластин маъмурияти президенти Ё. Арофат билан бир бор учрашув ўтказди. Лекин, бу мулоқотда бирон бир келишувга эришилмади.

• МАЪЛУМКИ, РФ хавфсизлик кенгашининг собиқ котиби Александр Лебед ички ишлар вазири Анатолий Куликовни ўз шаънига номуносиб бўҳтонлар қилганлиги муносабати билан судга берган эди. Куни кеча Москва шаҳрида ана шу суд бўлиб ўтди. Унда А. Лебед даъволари тўлиқ қондирилди. Эндиликда А. Куликов ўн беш кун давомида оммавий равишда А. Лебеддан кечирим сўраши лозим.

• БИР НЕЧА ой муқаддам Жанубий Кореянинг собиқ президентлари Чон Ду Хван ҳамда Ро Дэ У исёнкорликда, сотқинликда ва коррупцияда айланиб, суд қилинган эдилар. Ўшанда Чон Ду Хван ўлим жазосига, Ро Дэ У эса 22,5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган эди. Куни кеча Сеул суди бу ишни қайта кўриб чиқиб, жазолар мазмунини ўзгартирди. Чон Ду Хван умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилди. Ро Де У ҳибсда 22,5 ўрнига 17 йил ўтирадиган бўлди.

БМТнинг ЯНГИ БОШ КОТИБИ

ЖОРИЙ йилнинг деярли биринчи кунларидан бошлабоқ БМТ доирaларида янги бош котиб сайланиши тўғрисидаги гаплар кўпайиб борди. Чунки, йил охирига бориб, амалдаги бош котиб Бутрос Бутрос Ғолийнинг ваколатлари тугар эди. Мазкур халқаро нуфузли ташкилотнинг барча анжуманларидаги мулоқотларда, шунингдек, бошқа давлатлардаги жамоатчилик орасида бош котиб ким бўларкин, деган савол ҳамиша муаллақ бўлиб турди. БМТ Бош Ассамблеяси 51-сессияси ўтган ойда иш бошлаши биланоқ бу муаммо биринчи ўринга чиқди. Қатор қитъалар, мамлакатлар ўз вакилларининг бош котиб лавозимига сайланишини орзу қилдилар. Африка, Лотин Америкаси, Оврупо қитъалари, Араб мамлакатлари турли хил муносабат билдирдилар. Б. Б. Ғолийнинг ўз номзодини иккинчи муддатга кўрсатганлиги ҳам турли фикр-мулоҳазалар уйғотди. Лекин, АҚШ маъмурияти, аввал бошданоқ, унинг иккинчи муддатга қолишига тиш-тирноғи билан қарши чиқди.

Ўтган ҳафтада «тажриба тариқасида» бир неча номзод БМТ Хавфсизлик Кенгашида овозга қўйиб кўрилди. Лекин, уларнинг бирортаси ҳам эътиборга лойиқ овоз ола олмади.

Ниҳоят 17 декабрь куни БМТ янги Бош котибини сайлаш тадбирлари ниҳоясига етказилди. Бу юксак лавозимга асли ганалик, БМТ Бош котибининг тинчлик ўрнатиш жараёнлари бўйича ёрдамчиси Кофи Атта Аннаннинг сайланганлиги маълум бўлди.

К. Аннан ўттиз йилдан буён БМТ ичида турли лавозимларда ишлаб келмоқда. У 58 ёшда. Рафиқаси Нане Лагергрен хоним швед миллатига мансуб. БМТ янги Бош котиби 1997 йил 1 январидан бошлаб ўз лавозимини адо этишга киришади. Шундай қилиб, у келажакдаги беш йил давомида энг катта халқаро ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилотига раҳбарлик қилади.

К. Аннан қийин бир вазиятда котиблик лавозимини зиммасига олди. Айрим мамлакатларда эндиликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотидек маҳкамага эҳтиёж қолмади, БМТ айрим йирик давлатларнинг қўғирчоғига айланиб бормоқда, деган гап-сўзлар эшитилаётган бир шароитда БМТнинг ишини юқори савияларга кўтариш осон бўлмайди. Боз устига айрим давлатлар талаб қилаётганидек, БМТ таркибида маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш, маҳкама бюджети маблағларини тартибга солиш ва қисқартириш, мазкур ташкилот бошқарувини ихчамлаштириш, жаҳонда тинчликни барқарорлаштириш вазифаларини юқори даражада эплаш, дунё олдида турган иқтисодий, озиқ-овқат ҳамда савдо-сотиқ муаммоларини такомиллаштириш, оммавий қирғин, кимёвий, биологик қуролларни тарихга чекинтириш, гиёҳвандлик, бандитизм ва террорчиликка қарши кураш тамойилларини замонавий поғоналарга кўтариш вазифалари янги Бош котибдан алоҳида саъй-ҳаракатлар ҳамда ташаббуслар кўрсатишни тақозо этади. БМТга аъзо бўлган 185 мамлакатнинг давлат ва жамоат арбоблари, кўзга кўринган сиёсатчилар айни кунларда К. Аннанга табрик мактублари йўллаб, муваффақиятлар тиламоқдалар.

• ХИТОЙ олимлари яқин келажакда Ойга етиб бориш ва унинг бойликларини ўзлаштиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Бу дастурнинг янги аср бошларида амалга оширилиши кутилмоқда. Икки тонналик сунъий йўлдош ҳамда сафарда қатнашадиган фазогирларни тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

• ИСРОИЛДА 1988 йилда 13 йиллик қамоққа ҳукм этилган Григорий Линдон қамоқдан бўшатилди. У СССР фойдасига жосуслик қилишда айбланган эди. Уни ўша йили маҳаллий бўлган КГБ ходими Александр Ломов «сотиб» қўйган эди. А. Ломов, шунингдек, Роман Вейсман, Самуил Мактей каби совет жосусларини ҳам «очиб ташлаган». Эндиликда собиқ жосусларнинг ҳаммаси озодликка чиқишди.

• УКРАИНАНИНГ Винница шаҳридаги Свято-Воскресенск ибодатхонаси ёнидаги қайин дарахти танаси кесилганда тўнкаларда аниқ-тиниқ хоч тасвирлари борлиги кўзга ташланди. Айтишларича, хоч иссиқлик тарқатиб, турли касалликларга даво бўлмоқда. Винница «мўъжизаси» сирини ҳозирча ҳеч ким аниқлай олмаётир.

• БРАЗИЛИЯНИНГ Сан-Пауло шаҳрида яшовчи Хорхе Чегуэррани одамлар «афсунгар» деб билишади. У яқинда зикр тушиб, шундай жала қуйдирдики, натижада катта тошқин бўлиб, етти нафар киши дунёдан кўз юмди.

• ҲИНДИСТОННИНГ Трипур штати ғарбида миллий низо туфайли номаълум жиноятчилар томонидан 23 киши ваҳшийларча ўлдирилди. Қишлоқ эса бутунлай ёқиб юборилди.

ЧЕЧЕНИСТОН ОША ЯНА МАШМАША

ЧЕЧЕНИСТОНДА Россия Федерациясидаги қўшинлари олиб чиқиб кетилиши муносабати билан ниҳоят тинчлик барқарор топади, келаси ойнинг 27-кунида бўладиган парламент ва президент сайловлари барқарорликни жойига қўяди, деган умидларга сўнгги кунларда яна раҳна тушди. Бунга Чеченистон билан Доғистон ўртасидаги Герзаев-Аул деган жойда дала қўмондони Салмон Радуев жангарилари билан Россия блок постида турган милиционерлар ўртасидаги тўқнашув сабаб бўлди. Гап шундаки, Доғистонда истиқомат қилувчи маҳаллий акин чеченлари қурултойида қатнашиш учун кетаётган Салмон Радуевни Россия «омон»чилари чегарадан ўтказмадилар. 12 та автомашинага тушган 40 нафар жангарилардан қуроллар топширилиши талаб этилди. Бунга кўнмаган жангарилар икки соат музокара олиб бордилар. Барибир натижа чиқмади. Охири радуевчилар аёллар ва болаларни ниқоб қилиб, постда турган соқчиларни тўлиқ қуролсизлантирдилар. Устига-устак 21 нафар россиялик милиция ходими номаълум томонга олиб кетилди.

Ушбу ҳафта давомида милиционерларни асирликдан бўшатиш тўғрисида бир неча бор музокаралар олиб борилди. Қўшма ҳукумат раҳбари Аслан Масхадов, Ичкерия Республикаси ички ишлар вазири Казбек Махашев, Ичкерия президентининг миллий хавфсизлик бўйича ўринбосари Аҳмад Закаев, Доғистон хавфсизлик қўмитаси котиби Магомед Талбоевлар ҳам бу ишга аралашиб, уни бирёқлама қилмоқчи бўлдилар.

Лекин, Салмон Радуев Россия томони ҳамда ахборот воситалари мендан қилмишлари учун оммавий равишда узр сўрашлари керак, деб туриб олди. Акс ҳолда мен асирларни бўшатмайман, мен ҳеч кимнинг гапига кирмайман, деди. Керак бўлса, деди С. Радуев, яна мен 48 йил уруш қиламан. Чунки, генерал Жохар Дудаев шундай деган. Менга урушни тўхтатиш тўғрисида фақат Оллоҳ ва Дудаевгина буйруқ бериши мумкин.

Россия томони, Чеченистондаги халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам Ичкерия оша авж олаётган ушбу машмашага барҳам берилади, деб умид қилдилар. Россиялик 21 нафар милиция ходими чоршанба куни асирликдан бўшатилди. Лекин халқаро қизил хоч ходимлари ўлдирилганлигига тааллуқли жанжалнинг нима билан тугашини ҳеч ким айтиб бера олмаётир.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).



ДУШАНБА, 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Қизлар гулдастаси».
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Тилла ранг ришталар жозибаси».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ тадбиркорлари».
10.30 Шифокор экрани.
11.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Осмон дарвозаси». Бадиий фильм.
13.15 «Бунёдкор».
13.35 «Барака ёмғири». Мультфильм.
13.45 «Меҳр қолур». Публицистик кўрсатув.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Ҳаёт ва қонун».
18.45 «Темур бобо». К. Баратов ижро этган.
18.50 «Соҳибқирон». Видеофильм. 1-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 А. Икромов, Ю. Исматова. «Темурий маликалар». «Тановар» рақс театри. 1-қисм.
22.00 Ўзбекистон геологиясининг 70 йиллигига. «Она ер муруввати».
22.15 «Бу оқшом...»
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Истиқлол одимлари.
00.10 Тунги тароналар.
00.20—00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Палитра».
18.45 «Мультфейерверк».
19.15 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Камертон». Шеърият.
21.10 «Хобби-холл».
21.40 «Курьер».
22.00 «Прайм-тайм».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.45 «Спорт қитъаси».
23.20—00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.40 Янгиликлар.
17.45 Эълонлар.
17.50 «Овчининг сўнгги олишуви». Бадиий фильм. 1-серия.
*
19.10—21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Олатовнинг қорли чўққилари», «Сванетияда қиш». Телефильмлар.
*
23.00 — 23.30 Россия давлат телевидениеси.
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Дидар».
19.40 «Эҳтиёжга эътибор...»
19.55 Эълонлар.
20.00 «Жаҳон».
20.20 Кечки сеанс. «Автомобилдан сақланинг!». Бадиий фильм.
21.50 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
22.00 «Шлягер».
22.15 «Спорт-тайм».
22.45 «Авторейд».
22.55 «Умид».
23.25 «5+1». Интервью.
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Воҳа тароналари.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Замин фидойилари». Телеочерк.
10.30 Инглиз тили.
11.00 Ўзбек куйларидан концерт.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Ассалом, япон тили».
12.30 «Катта трамплин». Бадиий фильм.
13.45 «Ислоҳот истиқболи».
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.25 Футбол шарҳи.
18.45 Дилнавоз садолар.
19.00 «Соҳибқирон». Видеофильм. 2-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дурдона».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 А. Икромов, Ю. Исматова. «Темурий маликалар». «Тановар» рақс театри. 2-қисм.
22.00 «Альманах-ТВ».
22.30 «Уйимдаги бегона». Бадиий фильм. 1-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Оҳанглардан таралган меҳр».
00.20—00.35 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Олтин кент».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.20 «Спорт қитъаси».
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.50 — 00.30 «Кинонигоҳ».

III

17.40 Янгиликлар.
17.45 Эълонлар.
17.50 «Овчининг сўнгги олишуви». Бадиий фильм. 2-серия.
*
7.30 — 9.00, 19.10 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Ов ҳақида ҳикоялар». Телефильм.
*
23.05—23.40 Россия давлат телевидениеси.
*
23.40 Эълонлар.
23.45—23.50 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси..
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Дам олиш дастури.
19.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.45 Эълонлар.
19.50 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Аптека эшитади».
21.40 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
22.10 «Истеъдодлар ва мухлислар».
22.40 «ТВ IV да «Немис тўлқини».
23.10 «Жиллет-спорт».
23.40 Коллаж.
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Оҳанглардан таралган меҳр».
8.50 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Қўнғироқча».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Қирқ ҳунар ҳам оз...»
11.30 «Темурнома».
11.50 «Эй, сабо». Тожиддин Муродов ижросида классик қўшиқлар.
12.20 «Хазинамиз таянчи».
12.40 «Ишбилармон кишилар». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фунтик ва мўйлабли кампиршо». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур».
18.25 «Сўз сизга». Ёшлар учун кўрсатув.
18.40 «Замон билан ҳамнафас».
18.50 Дилнавоз садолар.
18.55 «Соҳибқирон». Видеофильм. 3-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Табаррук қадамжолар». Нурота. «Чашма» мажмуаси.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияси олдидан.
21.20 Дилнавоз садолар.
21.35 «15 дақиқа спорт ҳақида».
21.50 «Талқин. XX аср».
22.20 «Адашлар».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 «Дойче Велле» намойиш этади...
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Спорт қитъаси».
23.25—00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Бугунги Исроил».
18.20 «Яхшиликка ёмонлик». Мультфильм.
18.30 «Оддий мўъжизалар». Телефильм.
*
7.30—9.00, 19.10—21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Шоҳсупа сари».
*
23.00—23.35 Россия давлат телевидениеси.
*
23.35 Эълонлар.
23.40—23.45 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси..
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Шифокор билан мулоқот.
19.30 «Қўшиқларим оламни тутар».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.25 «Мезон».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Тошкент оқшомида».
21.30 «Ер курраси».
21.50 «Ҳамдўстлик».
22.20 «Тинчлик даври». Бадиий фильм.
23.20 «Гулдаста».
23.40—23.50 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Янграсин шўх ялалар».
8.55 «Сарҳисоб».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Орзу».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Умумий биология.
11.00 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Мутлоқ устунлик билан». Бадиий фильм.
13.00 «Нурли келажак». Видеоканал.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Акциядорлар луғати».
18.25 «Омонлик тилаймиз».
18.35 «Катта танаффус».
18.55 «Соҳибқирон». Видеофильм. 4-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида.
22.00 Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган томошалар.
23.15 «Билиб қўйган яхши».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Хобби-холл».
9.50 «Курьер».
10.20 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.10 «Табиат дунёси».
12.00 «Компьютер-Осиё».
12.15 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
12.35 — 14.15 Видео—«О».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
20.15 «Дармон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.45 «Дойче Велле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Оқ ёл ҳақида қисса». Бадиий фильм.
*
7.30 — 9.00, 19.10 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 Опера саҳнаси усталари.
*
23.05 — 23.40 Россия давлат телевидениеси.
*
23.40 Эълонлар.
23.45 — 23.50 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Айчурек».
19.40 «Интер-спорт».
19.50 Зиёлилар ҳаётидан янгиликлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «02» тўлқинида».
21.05 «Каталог».
21.20 «Туманлардан ҳоли Британия».
21.40 «Ҳамшаҳарлар».
22.10 «Эколот-коктейль».
22.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.10 «Компьютер-ревю».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Эллада».
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Юзма-юз».
8.45 Кекса санъаткорлар концерти.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кеча ва бугун».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Немис тили.
11.00 «Китоб ва ҳаёт».
11.30 «Темурнома».
11.50 Болалар учун фильм. «Кулол ва хумча».
13.05 «Буни умр дерлар».
13.20 «Ўзбектелефильм» премьераси: «Дўстлик ва ҳамкорлик рамзи».
13.30 «Маърифатнома».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Бизнес ҳафта якунлари».
18.40 «Йигит омон бўлса...».
18.55 «Соҳибқирон». Видеофильм. 5-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Умидли дунё».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида.
21.30 «Ривоят».
21.40 Дилнавоз садолар.
22.00 «Репортаж».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Тақдим».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульти-пульти».
9.30 «Боланинг тили...».
9.40 Дилором наволар.
9.50 «Умрбоқий мерос».
10.05 «Мулоҳаза учун мавзу».
10.30 Видео янгиликлари.
10.50 Видео — «О».
12.30 — 14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...».
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Спорт қитъаси».
22.30 Хит-парад ва Эълонлар.
23.10 — 24.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Лев Гурич Синичкин». Бадиий фильм.
*
7.30 — 9.00, 19.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Мусиқа ҳамма учун».
*
23.00 — 23.30 Россия давлат телевидениеси.
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси..
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 «Рангинкамон».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.35 Эълонлар.
20.40 «Монитор-Осиё».
21.10 Келинг, кулишайлик. «Уч тентак ҳангомаси» («Коламбия пикчерс», АҚШ). 4-серия.
21.30 «Гўзаллик бунёдкорлари».
21.50 «Коинот».
22.20 «Бу бўстон аро».
22.50 «Юлдузли галерея».
23.20 «Замандас».
23.50 Араб эстрадаси.
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Қайғусиз қувонч бўлмас». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ижоднинг машаққатли йўли». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим.
10.45 «Ўзбектелефильм» кўрсатади. «Фаровонлик манбаи».
11.00 «Кичкинтой» устахонаси.
11.30 «Темурнома».

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

11.50 «Йўғонтепа ҳангомалари». Теленовелла. 1-қисм.
12.40 «Ёш куч» тележурнали.
13.20 «Ойдин йўл».
13.50 «Йўғонтепа ҳангомалари». Теленовелла. 2-қисм.
14.40 — 15.40 «Маънавият» видеоканали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.40 «Соҳибқирон». Видеофильм. 6-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Дилнавоз садолар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Францияда Амир Темур кунлари.
21.50 «Азиз сиймолар». Сойиб Хўжаев.

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:

22.10 Жаҳон киноси юлдузлари.
22.25 «Имкон чўққилари».
22.35 «Муҳаббат — ҳаёт демакдир». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20 — 14.20 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Мультдаста».
18.20 «Жозиба».
18.30 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
18.40 «Театр ҳақида ўйлар».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Фидойилар». 1-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Жозиба».
20.05 «Фидойилар». 2-қисм.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури:

21.00 Видео — «О».
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.20 «Фидойилар». 3-қисм.
23.55 — 00.20 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».

III

18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
18.25 — 21.35 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.35 «Лицедейлар». Телефильм.
*
22.00 — 22.30 Россия давлат телевидениеси.
22.30 Эълонлар.
22.35 «Филипп Киркоров ҳузурида меҳмонда».
23.40 — 23.50 «Муздаги жилолар». Манзарали телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 «Шанба эртаги».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Клип-антракт».
10.30 «Комедиантлар».
10.50 «Рақслар қанотида».
11.20 «Клип-антракт».
11.45 — 13.15 Кинонинг олтин асри. «Зорронинг катта саргузаштлари».
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Олам ва одам».
20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.35 Кинонинг олтин асри. «Синьор Робинзон». Бадиий фильм.
21.50 «Беш дақиқа ўзинг учун».
21.55 «Спектаклдан сўнг».
22.20 «Комендиантлар».
22.40 «Ассалом, Франция!».
23.10 Эълонлар.
23.15 «Хит-коллекция».
23.35 «Жиллет-спорт».
00.05 «Бу ажиб дунё».
00.25 Эълонлар.
00.30 — 00.40 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Аёл борки, олам мунаввар...». Публицистик кўрсатув.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
12.30 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.10 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 22-қуй.
13.50 «Ўзбекистон спорти».
14.10 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
15.10 — 15.40 Эстрада қўшиқлари.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги мўъжизалар, ёки...».
18.15 «Уйимдаги бегона». Бадиий фильм. 2-серия.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Соғинч».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Тилаклар». Янги йил интервьюлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари.
21.25 «Илҳом сатрлари».
21.30 «Мусиқа салтанати».
21.50 «Шахс ва баҳс».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 23-қуй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультдаста».
9.20 «Жозиба».
9.30 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
9.40 «Театр ҳақида ўйлар».
10.00 «Жозиба».
10.10 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.35 Видео—«О».
12.15 — 14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи».
18.20 «Боланинг тили...».
18.35 «Мульти-пульти».
19.00 «Мусиқий майдонча».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Олқиш».
20.20 Дилором наволар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Табиат шифохонаси».
21.15 «Таманно».
21.30 Ўзбекистон радиосининг 70 йиллиги олдидан. «Эҳтиром».
21.45 «Ана шунақа». Юмористик кўрсатув.
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 Видео—«О».
00.20 Дастур ниҳояси.

III

16.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.55 — 22.55 Россия жамоат телевидениеси.
*
22.55 Эълонлар.
23.00 — 23.05 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Клип-антракт».
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парле ву франсе?»
12.45 «Афсоналар ва ҳақиқат». Ҳужжатли фильм.
13.25 «Иштирок этувчилар».
13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.25 Киносалон. Акиро Куросаванинг «Кугемуша» фильми.
16.35 Эълонлар.
16.40 «Сенинг вақтинг».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси..
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
19.15 «Телеташриф».
19.30 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
20.00 «ТВ IVда етти кун» (рус тилида).
20.15 Эълонлар.
20.20 «Биргаликда куйлайлик».
21.20 Киносалон. Акиро Куросаванинг «Ран» фильми.
23.30 «Голливуд-рок».
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».





Тошкент туманидаги Акмал Икромов номли мактаб талабалари яқинлашиб келаётган янги 1997 йилга тараддуд кўришмоқда. Улар мактаб залига ўрнатиладиган арчани ўзлари безашга қарор қилишиб, ўқитувчилари Тамара Ашурова бошчилигида хилма хил арча безаклари тайёрлашмоқда.

Равил АЛЬБЕКОВ олган сурат.

- *«Кимёгар» ўйингоҳидан ўрнак олса арзийди*
- *Боқимандаликдан қутулишни ўйлашмаяпти*
- *Сон кетидан қувмаслик керак*
- *Исботланмаган ҳақиқат*

ФУТБОЛИМИЗНИНГ ҚАДАМИ ДАДИЛ БЎЛСИН

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилмоқда?

БИР ҲАФТА мобайнида республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси мутахассислари ҳамда спорт журналистларидан иборат текширув гуруҳлари барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида бўлишиб, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги билан танишдилар. Жумладан, Тошкент вилоятида ҳам оммавий ва профессионал футболни янада ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, футболчиларнинг янги авлодини тарбиялаш ва футболимизнинг халқаро нуфузини ошириш борасида қилинаётган ишларни таҳлил этдилар.

Мавсум тугаши биланоқ Чирчиқнинг «Кимёгар» футболчилари таътилга чиқишди. Шунга қарамай жамоа раҳбарлари ва мутасаддилари эса келгуси биринчиликка тайёргарликни бошлаб юбордилар. Гуруҳимиз аъзолари ўйингоҳга келганда ўнга яқин футболчи машқ ўтказишаётган экан. 5-6 ишчи эса майдонни таъмирлаш ишлари билан банд. Жамоа бош мураббийси Виталий Дорофеев ўз хонасида ёрдамчилари билан келгуси ишларни режалаштираётган экан. Ўйингоҳдаги озодалик, футболчилар ва мухлислар учун яратилган шароит кишини хурсанд этади. Айниқса, дарвозадан киришингиз биланоқ кўзга ташланадиган кўрсаткич — табло дид билан безатилган. Унда олий ва биринчи табақа жамоалари бахсларининг якуний жадвали, айниқса, олий табақа қатнашчиларининг ҳар бир жамоаси спорт формасидаги рамзий сиймоси, уларнинг тўплаган очколари, эгаллаган ўринларини акс эттирган кўргазма киши эътиборини тортади. Қайси жамоалар олий табақани тарк этгани, унинг ўрнига кимлар чиққани, «Кимёгар» жамоасининг бутун мавсумдаги ўйинлари натижалари, турнир жадвали нозик дид билан безатилган. Сўраб-суриштирсак, бу ишлар билан жамоа бошлиғи Борис Близнецов шуғулланар экан. Буни чинакам футбол фидойисига қилиши мумкин. «Кимёгар» ўйингоҳи нафақат вилоятимизда, балки Тошкент шаҳрининг йирик ўйингоҳларига ҳам ибрат бўларлидир. Бир сўз билан айтганда кучли ўнликдан жой олган Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоаси келаси йил янада яхши ўйин кўрсатиши учун клуб раҳбарлари барча шарт-шароитларни муҳайё этишга ҳаракат қилишмоқда.

Эрта баҳорда, мавсум бошланиши арафасида Бўка ўйингоҳида тезкорлик билан таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Туман ҳокимлиги, ҳомийлар, фидойилар мадади ва кучи билан салкам уч минг томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар ўрнатилди. Бироқ, мавсум давомида бу ўринлар камлик қилиб, юзлаб мухлислар тик оёқда туриб учрашувни томоша қилишга мажбур бўлишди. Туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Дилшод Иномбеков, туман спорт мутасаддилари ўйингоҳни кенгайтириш лозимлигини бир овоздан таъкидлашмоқда-ку, бироқ, маблағ йўқлиги туфайли қўшимча қурилишни бошлашга юраклари дов бермаяпти. Бўкалик мухлислар келаси мавсум ҳам севимли жамоасининг ўйинларини яна тик оёқда туриб томоша қиладиганга ўхшайдилар. Жамоа бошлиғи Шуҳрат Ориповнинг уддабуронлиги, фидойилиги туфайлигина футболчилар ўз вақтида маошларини олиб турибдилар.

Бекободнинг «Металлург» футбол жамоаси бу йил Тошкент вилояти вакиллари ўртасида энг юқори натижага эришиб, биринчи табақа вакиллари ўртасида умумий тўққизинчи ўринни эгалладилар. Бироқ, бу натижадан клуб раҳбарлари ҳам, мухлислар ҳам қаноат ҳосил қилмадилар. Ваҳоланки бу жамоа кучли олтиликка кириши учун барча имкониятга эга эди. Ўйингоҳ ҳам, унга туташ қилиб қурилган қишлик спорт комплекси ҳам, республикага намуна бўла оладиган суюш ҳавзаси ҳам футболчиларга хизмат қилди. Комбинат бўйича спорт ишлари мутасаддиси Норбек Йўлдошев ва сув ҳавзаси раҳбари Абдукарим Абдураҳимовлар билан бўлган суҳбатда улар ўз касбининг фидойиси эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Бироқ клубнинг молиявий ишларида чалкашликлар мавжуд. Текширув гуруҳи аъзоларини бир нарса, у ҳам бўлса биринчи табақа вакилларининг аксарияти боқимандалик кайфиятидан халос бўлиша олмаётганлиги афсуслантирди. Ҳомийлар бераётган хайрия билан узоққа бориб бўлмайди. Вазирлар Маҳкамасининг футболни ривожлантириш борасидаги қарорида таъкидланганидек, яқин келажакда жамоалар ўзларини ўзлари маблағ билан таъминлашлари лозим. Бироқ бугунги кунда олий табақа вакили бўлган «Дўстлик», биринчи табақа иштирокчилари «Металлург», «Кимёгар», «Бўкалик» жамоалари ўзлари маблағ топишга, яъни клубларни моддий жиҳатдан таъминлаб туриш учун тижорат фирмалари, кичик корхоналар очишни, хуллас, ўзларини ўзлари маблағ билан таъминлашни хаёлларига ҳам келтирмаяптилар. «Ғазалкент» ва «Роҳат» жамоалари топган маблағ эса жуда оз миқдорни ташкил этади.

Бўстонлиқнинг «Ғазалкент» футболчилари биринчи табақани тарк этишди. Яшириб нима қиламиз. Ўйинчилар маошларини вақтида ололмаганликлари учун ўйнамай қўйдилар. Натижада футбол ютқазди, мухлислар ранжиди. Қибрайнинг «Роҳат» жамоасида ҳам маблағ масаласи муҳим муаммо бўлиб турипти. Мураббийлар футболчиларнинг маҳоратини ошириш устида эмас, балки қаердан, қанча маблағ топиш ҳақида бош қотирадилар. Айрим туман ва шаҳарларда футбол ишларининг аҳволи билан танишгач болалар ва ўсмирлар, умуман, ўринбосарлар тайёрлаш ишлари ҳам талаб даражасида эмаслиги аён бўлди.

Биринчи табақа бахслари, учрашувларга ҳакамлар тайинлаш, «келишилган ўйинлар» ҳақида жиддий эътирозларимиз ҳам бор. Биринчидан, ушбу табақа мутасаддилари ва футболчилар билан гаплашсангиз, улар жамоа сонининг кўплигидан шикоят қилишади. Ҳақиқатан ҳам бир гуруҳда 26 жамоани жамлаб, 52 тадан ўйин ўтказиш шартмиди? Бу ҳақда мутахассислар, мухлисларнинг билдираётган жиддий эътирозлари ҳақида илгарилари танқидий фикрлар билдирган эдик. Айтайлик, вилоятимиз вакилларидан бири навбатдаги турда узоқ Орол ёки Хоразмда ўйнаб, сўнг яна ўз майдонида куч синашади. Сўнг яна узоқ сафарга отланади. Бу, ахир, турган битгани ортиқча харажат-ку! Бу йил биринчи табақани олти жамоа тарк этди. Унинг ўрнига учта жамоа чиқади. Келаси йил биринчи табақада 23 команда қатнашади. Лекин бу ҳам кўплик қилади. Бизнингча, биринчи табақани икки гуруҳга бўлиш ёки жамоалар сонини яна бироз қисқартириш даркор. Учрашувларга ҳакамлар тайинлаш ҳақида ҳам эътирозларимиз бор. Тошкент вилоятининг жамоалари ўзаро учрашганда узоқ вилоятлардан келган ҳакамлар бошчилик қилиши шартми? Нега мазкур ўйинларга тажрибали тошкентлик ҳакамларни жалб этиш мумкин эмас? Низомга кўра барча ҳакамларга бутун сарф-харажатни мезбон тўлайди. Фараз қилинг: «Роҳат» ва «Ғазалкент» учрашувига Нукус, Термиз, Урганчдан ҳакам тайинланди. Бу, ахир, 8-10 минг сўм ортиқча харажат-ку.

Яна бир мулоҳаза. Нафақат мухлислар даврасида, балки футболчилар, мутасаддилар, жамоа бошлиқлари ва мураббийлар билан бўлган ўзаро мулоқотда «матбуот учун эмас», ўзингизга айтаман» «билиб қўйинг, орамизда қолсин» дея ҳадя қилинган очколар, «келишилган ўйинлар» гоҳида «сотилган учрашувлар» ҳақида гап-сўзлар оралаб қолади. Футболчиларга маош бергани пул йўқлигидан ўйинни сотдик. Бу мутлақо жиноят эканлигини ўзлари ҳам тушунадилар. Бу билан футболимизга путур етказилаётганлигини биладилар. Бироқ, фақат биз эмас, бошқалар ҳам шундай қиляптилар-ку, дея ўзларини ўзлари овутган бўладилар. Бу нохуш ҳол, айниқса, биринчи табақа жамоалари ўртасида кўпроқ содир бўляпти. Сирни очайлик десак, ашёвий далилимиз йўқ. Бирортаси гувоҳлик беришга рози бўлмади. Шунинг учун бу фикрни умумий тарзда баён қилиб «ИСБОТЛАНМАГАН ҲАҚИҚАТ» деб атадик.

Жаҳон профессионал футболида исботланган бир ҳақиқат бор. Сон кетидан қувиб, маҳорат, тажриба орттириб бўлмайди. Бразилия, Англия, Италия, Испания, Германия ва бошқа мамлакатларда ғолиблик учун 10-12, нари борса 14 жамоа қатнашади. Биринчи табақада ҳам (жамоалар кўп бўлса гуруҳларга бўлинган ҳолда ўйнайди) аҳвол шундай. Модомики футболимизни жаҳон андозасига олиб чиқишни мақсад қилиб қўйган эканмиз, нега энди амалда синалган ва оқланган услублардан ижобий фойдаланмаслик керак?!

Профессионал футбол сари қадам ташладикми, унинг қонун-қоидаларига тўла амал қилганимиздагина кўзланган мақсадга эришамиз, ана шундагина футболимизнинг қадами дадил бўлади.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳловчиси.

ГАЗАНДАЛАР ЧАНГАЛИДА

ҚОРА НИЯТ

ҲУСНИДДИН биқинига пичоқ тиралганини дарҳол сезди.

— Буёққа юр, ғинг десанг, ичак-чавоғингни ағдариб ташлайман!..

— Тинчликми...

Нотаниш йигит уни чётрокда турган оқ «Жигули» томон етаклади. Машина олдига етганларида унинг ичидан яна кимдир чиқиб, Ҳусниддинга тўпонча ўқталди ва «ўтир» деди. Ўриндикда ниқоб кийган яна икки киши бор эди.

— Ним-а-а-гап...

— Ўзингни босиб ол, сўтак, — бу унга тўппонча ўқталган йигитнинг овози эди. У босиқ, таҳдид оҳангида гапирди, — менга қара, яхшилаб қулоғингга қуйиб ол, ўзингдан, оиландан умидинг бўлса, менинг айтганларимни қиласан. Акс ҳолда эртага жаназанг ўқилади. Эшит! Ҳозир тўйхонага кириб, Доно опанинг ўғли — Нодиров Сарварни алдаб машинага олиб келасан. Ҳу ана у, ўйнаб юрибди. Ишни силлиқ битир. Ҳеч ким сезмасин. Укдингми?..

— У-у-укдим...

Ҳовлида одамлар гавжум. Мусиқа, қўшиқ янграмоқда. Ҳусниддин «кранга» бориб бетини муздай сувга чайқади. Бироз ўзига келди. Атрофга олазарак боқиб, дарвозадан ташқарида югуриб-елиб юрган болакай олдига яқинлашди.

— Сарвар, буёққа ке, укам, сени аканг чақиряпти, — деди у ялтангланиб.

— Акам тўйда ўтирибдилар-ку...

— Йўқ, анави машинада, тоғанг ҳам борга ўхшайди.

Бола «Ҳусниддин акаси»нинг гапига ишониб, унга эргашди. Машина эшиги очилганда қандайдир бир шафқатсиз кўл уни ичкари тортиб олди. Сарвар ниқобли одамларни кўриб, қўрқиб кетди. Бақирмоқчи бўлди. Лекин, оғзи шаппа бекитилди. Бўйнига зарбали мушт тушди. Бўғзига пичоқ тиралди.

Оқ «Жигули» хаш-паш дегунча кўздан ғойиб бўлди.

ЛАРЗА

СОАТ тунги ўнларга яқинлашмоқда эди. Яқин дугонаси, қалин қўшниси тўйида хизмат қилиб юрган ўқитувчи Донохоннинг юраги дафъатан хаприқиб кетди. «Сарвар кўринмай қолдими?..»

У ҳовлини излади, ташқарини ахтарди. Сарвар йўқ. «Уйга кириб ухлаб ётибдимикин?» Уйга югурди. Йўқ. Йўқ. Йўқ. Унинг болажониси ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди.

— Вой-дод, Сарвар йўқолиб қолди!..

Ларза!.. Нодирова Донохоннинг изтиробли нидоси маросимга йиғилганларнинг юрагини тешиб ўтди. Ҳалойиқ лол. «Қаёққа кетиши мумкин?» Бечора она атрофига бир зумда йиғилган таниш-билишлар, қариндош-уруғлар, ота-оналар, ака-укалар — ҳамма-ҳамма чоп-чопга тушиб кетдилар. Борилмаган ер, қидирилмаган жой қолмади. Охир-оқибат милицияга хабар беришга тўғри келди.

Тонг ота бошлади. Тун бўйи мижжа қоқмаганлардан бири «Кеча у ўртоғи Санжар билан ўйнаб юрганини кўрувдим» деб қолди. «Юсупов Санжарми?». «Ҳа!».

Бир неча киши милиция ходимлари ҳамроҳлигида Санжарларникига йўл олдилар. Уйқудан уйғотилган Санжар қандай ҳодиса рўй берганини тушунмас эди. Ҳаяжонланган одамларни кўриб, гап нимадалигини пайқади чоғи, кеча кечқурунги воқеаларни бирма-бир сўзлай бошлади:

— Кеча болалар билан ўйнаб юрганимизда бир маҳал Сарвар билан Шавкат аканинг галлашаётганини кўриб қолдим. Шавкат аканинг «тўй бошланғандан сўнг олдимга кел, секрет гап бор» деганларини эшитдим. Кейин уни йўқотиб қўйдим. Уйинга берилиб кетибман...

— Қайси Шавкат?..

— Ҳалиги, Дилшод аканинг акаси-чи, ўша...

Ҳаёллашга вақт йўқ эди. Қидирувчилар ташқарига отилдилар. Доно опа Шавкатнинг онаси уйини биларди. Ўша ёққа жўнадилар. Лекин, она Шавкат тунда келиб, оқ «Жигули» қўйиб кетганлигини, ҳозир эса уйда йўқлигини айтди. Бир маҳал ўйланиб, унинг шаҳарда, 5/2 кичик даҳада, 12-уйининг 54-хонасида яшашлигини айтиб, бошлаб боришга рози бўлди. Ҳамма Олмаликка йўл олди.

ҚАБИҲ ШАРТ

ЭНДИ ўзини анча тутиб олган Сарвар кечаги даҳшатли соатларни элас-элас эслай бошлади. Ҳа, ҳа... Машина катта тезликда анча муддат юрди. Ёнидагилар унинг гарданини эгиб, қаддини тиклашга йўл бермадилар. Бир сафар кўзғалмоқчи бўлганда аёвсиз дўппосланди. Кейин қаердадир тўхташди. Уни судраб, кўп қаватли бинонинг юқорисига олиб чиқдилар. Бир хона очилди. Ичкарига кирдилар. Ўшанда бирга келганларнинг олдингиси юзидаги ниқобини шилиб ташлади.

— Ия, ия, Шавкат ака, сизмисиз, — ҳанг-манг бўлиб қолган Сарварнинг тили зўрға айланди.

— Ҳа, менман, — У қолганларга ишора қилди. Уч киши хонадан йўлакка чиқиб кетди, — энди эшит. Сени биз ўғирлаб келдик. Бироздан сўнг адангга телефон қиласан. Биз белгилаган жойга юз минг сўм олиб келсин. Йўқ деса, сени ўлдирамиз... Мен қимордан катта пул қарзман. Ўшани узишим керак. Сен тўққиз яшар боласан, бу гапларга ақлинг етади.

Сарварнинг кўз олди қоронғилашди, ранги қув ўчди, томоғи қақраб кетди.

— Жон ака, мени қўйиб юборинглар, ўлдирманглар, адам сиз айтган пулларни беради, «Волга»сини ҳам беради, адам мендан ҳеч нарсани аямайди, қийнаманглар, урманглар, ўлдирманглар, жон ака, мени қўйиб юборинглар... Шавкат ака, раҳмингиз келсин...

— Бас!..

Сарвар тирқираб оқаётган кўз ёшларини ноилож яшириб, жимиб қолди.

Тақ-тақ-тақ... Хонага кириладиган қалин эшик бир неча бор залворли силкинди. Яна, яна, яна... Шавкат ишнинг пачава бўлганлигини пайқади.

— Сени ҳозир нариги хонадаги стол остига бекитиб қўяман, бизни ўлдиргани келишди. Товушинг чиқса, отиласан. Юр!..

Содда болакай яна ишонди. Шавкат уни эндигина яшириб улгурган ҳам эдики, ташқари эшик қасира-қусур бузилди. Хонага бир неча киши милиция ходимлари билан биргаликда кириб келдилар.

— Бола қани?! Сарвар қани?!

— Қанақа бола, нима деяпсизлар, кимсизлар ўзи...

— Сарварни топиб бермасанг, ҳозир мажақлаб ташлайман, аблаҳ!..

Адасининг овозини эшитган болакайнинг юраги ўйнаб кетди. «Адажон!.. Ўзимнинг адажоним!...» Хона ичида гўё яшин чақнади. Ҳамма овоз келган томонга қаради. Рўпарадаги хонадан югуриб чиққан Сарвар отаси оғушига отилди. Ота ҳўнграб йиғлаб юборди. Ҳамманинг кўзларида ёш. Ҳатто, милиция ходимлари ҳам ўзларини тута олмадилар.

СУД

ЮҚОРИДАГИ воқеа августнинг бошларида Олмалиқ шаҳрида содир бўлган эди. Яқинда бола ўғрилари — Шавкат Тоғаев ҳамда Ҳусниддин Исматовлар қилмишларига яраша одил суд олдида жавоб бердилар. Ўктам Каримов раислигида ўтган суд ҳайъати Ш. Тоғаевни 13,4 йил, Ҳ. Исматовни 2,4 йил қамоқ жазосига ҳукм этди. Шунингдек, уларнинг мол-мулклари мусодара қилинди. Мудҳиш қабоҳатга қўл урган жиноятчилар муносиб жазоландилар.

Раҳимберди УМАРОВ.

Жиноятга жазо муқаррар

ҒОЛИБ БУГУН АНИҚЛАНАДИ

САУДИЯ Арабистони билан Эрон футболчилари ўртасидаги ярим финал учрашувини ҳузур қилиб томоша қилдим. Ҳар икки жамоа аъзоларининг тўп учун кураши, маҳорати, тезкорлиги, ўйингоҳга йиғилган қарийб 80 минг ва «зангори экран» қаршисидан жой олган миллионлаб футбол мухлисларини ҳаяжонга солиб турди. Кучлар тенг келганда, рақиблар бир-бирига муносиб бўлганда ўйин қизиқарли ўтади, мухлисларни ўзига ром этади. Асосий вақтда ҳам, қўшимча берилган 30 дақиқада ҳам ҳисоб очилмаганлигини ҳужумчиларнинг фаоллигини бартараф эта олган ҳимоячилару, дарвозабонларнинг хатосиз ўйинларини мухлислар тез-тез олқишлаб турдилар. Мазкур учрашувда Саудия Арабистони футболчилари рақибларига қараганда бироз устунлик қилдилару, омад улардан юз ўгирди. Тўп икки марта дарвоза тўсинига тегиб қайтди. Футбол лотереяси — ўн бир метрлик тўплар тепишда Саудия Арабистони футболчилари 4:3 ҳисобида устун келиб, финалга чиқишди.

Қувайт футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлуб этган Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари ҳам ғолибликка даъвогар бўлиб туришибди. Шундай қилиб, Осиё XI Кубогининг якунловчи босқичида Бирлашган Араб Амирликлари ва Саудия Арабистони футболчилари ўзаро учрашадиган бўлишди. Якунловчи ўйин бугун бўлади.

Шараф УМИРОВ.

СПОРТ МАСКАНИНИНГ ТЎЙИ

КЕЧА Республика Олимпия ўринбосарлари билим даргоҳи ташкил топган куннинг 35 йиллиги муносабати билан мазкур санани нишонлаш тантанаси бўлиб ўтди. Бугунги кунда Ўзбекистон спорт шарафини халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилаётган йигит-қизларимизнинг аксарияти мазкур спорт мактабининг талабалари ҳисобланишади.

РЕСПУБЛИКАДА ихтисослашган ягона спорт билим даргоҳи ўзининг юзлаб собиқ талабалари билан ҳақли суратда фахрланади. Мазкур ўқув юртини битирганлардан олти нафар хизмат кўрсатган спорт устаси, 60 дан зиёд халқаро тоифадаги спорт усталари ҳамда 500 дан зиёд спорт усталари етишиб чиқди. Жаҳон ва Европа чемпионлари, рекордчилар, собиқ иттифоқ чемпионлари, қатор олимпиадаларнинг совриндорлари бўлган ядро улоқтирувчи Наталья Лисовская ва Сергей Кот, енгил атлетикачи Анвар Кўчмуродов ва Сергей Усов, найза улоқтирувчи Оксана Яригина ҳамда ўнкурашчи Олег Веретльников сингари спортчилар илк сабоқни мана шу билим даргоҳида олишган.

Тошкент вилоятининг «Дўстлик» футбол жамоасида тўп сураётган Жаъфар Иримсетов, Рустам Шоймардонов, Соиб Аҳмедов, Олим Пирматов, шунингдек, Ўзбекистон довруғини таратган марҳум Владимир Федоров, Михаил Ан, Олим Ашировлар ҳам спорт мактаби талабалари эди.

21—25 декабрь кунлари учун маълумот

Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида ёғингарчилик бўлмайди, 24 декабрь кунигина айрим туманларда бироз ёмғир ёғиши, тоғларда эса қор ёғиши мумкин. Кечалари ҳарорат 1 даража совуқ билан 4 даража илиқ ўртасида, 25 декабрда эса ҳарорат пасайиб —1+4 даража ўртасида бўлади. 21-24 декабрь кундуз кунлари +10+15 даража, 24-25 декабрда +5+10 даража илиқ бўлади.

КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Давлат мулк қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси ва республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали автотранспорт воситаларини сотиш бўйича кимошди савдосини ўтказади.

Унга қуйидаги автомашиналар қўйилади

Русуми, тури	давлат рақами	автобазанинг манзили	амалда юргани (км)	чиқарилган йили	бошланғич қиймати минг (сўм)
Газ—5327	18—09 ТШН	Бўстонлиқ т-ни	187367	1986	29,4
Газ—53А	54—66 ТШР	Бўстонлиқ т-ни	725695	1974	22,4
Газ—53	54—67 ТШР	Бўстонлиқ т-ни	813776	1979	21,2
Газ—53А	54—64 ТШР	Бўстонлиқ т-ни	290461	1978	29,4
Газ—53Б	88—75 ТШС	Бўстонлиқ т-ни	782343	1978	21,6
Газ—53Б	15—85 ТШЛ	Бўстонлиқ т-ни	818757	1975	21,1
Газ—51А	81—87 ТШЗ	Бўстонлиқ т-ни	1211508	1974	17,1
Газ-52ОА	48—90 ТШЛ	Бўстонлиқ т-ни	1257П58	1978	16,3
Газ—5204	81—02 ТШС	Бўстонлиқ т-ни	923228	1975	21,5
Газ—5203	72—68 ТШД	Бўстонлиқ т-ни	1302324	1969	23,1
ЗИЛ—130	54—65 ТШР	Бўстонлиқ т-ни	586625	1972	44,7
Паз—37421	54—75 ТШР	Бўстонлиқ т-ни	233027	1989	57,3
Камаз—5410	46—50 ТШР	Бўстонлиқ т-ни	373464	1988	83,8
Ярим тиркама ОДАЗ—9370	79—22 ТШ	Бўстонлиқ т-ни	373464	1988	54,8
ИЖ-2715 —014—01	40—89 ТШР	Бўстонлиқ т-ни	191859	1988	28,0

491,7

Ташкилотчи автоуловлар қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

Кимошди савдоси 1996 йил 28 декабрь куни соат 10.00 да Тошкент вилояти ҳокимлигининг биносида ўтказилади.

«Ўзбек давлат цирки»

Республика бирлашмаси ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА БОЛАЛАР СИЗЛАР УЧУН!

1996 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ — 1997 ЙИЛ 12 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ



мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида

«ЦИРКДА АРЧА»

«ЭРТАКДА — ЭРТАК»

ТОМОШАЛАРИДА

ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ ва эртакларнинг қаҳрамонлари қатнашадилар. Дастурда цирк санъатининг барча жанрлари намойиш қилинади ва ўргатилган ҳайвонларнинг чиқишлари.

ТОМОШАЛАР:

21—27 декабрь кунлари соат 12.00, 14.00 да;
28, 29 декабрь кунлари соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00 да
31 декабрь соат 16.00 да;
1 январь соат 10.00 да;
9-12 январь кунлари соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00 да.
Олдиндан чипталар сотиш кассаси ишламоқда.
Чипталарни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан харид қилиш мумкин.

Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Маълумот учун телефонлар: 44-35-92, 44-29-04.

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими уруш ва меҳнат фахрийси

Ориф АФЗАЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 42-ўрта мактаб томонидан Баходир Юлдашев номига берилган 031350 рақамли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги

АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ангрен шаҳридаги 14-ўрта мактаб томонидан Сергей Георгиевич Будов номига берилган IV-ЮС 315716 рақамли йўқолган тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги

ГУВОҲНОМА БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0697. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8498 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00.